

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“КАСБ ТАЪЛИМИ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ” КАФЕДРАСИ

1-МЖ-10 гуруҳ талабаси
Дармонов Абдор Толибжоновичнинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Иқтисодий ва модернизациялаш шароитида молия-саноат гуруҳларини
ташқил этиш ва бошқариш (Андижон вилояти Балиқчи тумани мисолида)

Илмий раҳбар:

доц. Ғ.Ғ.Шерматов

Наманган-2014

Аннотация

Дармонов Абдорнинг Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва бошқариш (Андижон вилояти Балиқчи тумани мисолида) мавзусидаги битирув малакавий ишида иқтисодиётда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган таклифлар берилган. Ушбу битирув малакавий иш кириш, 3 та боб хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи бобда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва самарадорлигини баҳолашнинг назарий асослари ёритиб берилган. Ушбу бобда молия-саноат гуруҳларининг моҳияти ва иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти очиб берилган. Миллий иқтисодиётда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ташкил этиш масалаларида фикрлар юритилган. Молия-саноат гуруҳлар фаолиятини ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш усуллари баён этилган.

Иккинчи бобда ушбу мавзу бўйича Андижон вилояти, Балиқчи туманида саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларининг иқтисодий таҳлили келтирилган

Учинчи бобда молия саноат гуруҳларини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқилган.

Хулоса қисмида мавзуга оид фикрлар умумлаштирилган ва тадқиқот натижалари асосида тавсиялар ишлаб чиқилган

Битирув малакавий ишининг асосий мақсади, молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш.

Мундарижа:

	Кириш	_____
I-Боб	Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва самарадорлигини баҳолашнинг назарий асослари	_____
I-1	Молия-саноат гуруҳларинининг моҳияти ва иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти	_____
I-2	Миллий иқтисодиётда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ташкил этиш	_____
I-3	Молия-саноат гуруҳлар фаолиятини ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш	_____
II-Боб	Андижон вилояти, Балиқчи туманида саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларининг иқтисодий таҳлили	_____
II-1	Балиқчи туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили	_____
II-2	Балиқчи туманда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили	_____
III-Боб	Молия саноат гуруҳларини ташкил этишни такомиллаштириш	_____
III-1	Молия-саноат гуруҳларни ташкил этишда хорижий инвестицияларнинг ўрни ва аҳамияти	_____
III-2	Молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш хорижий мамлакатлар моделларидан фойдаланишнинг аҳамияти	_____
III-3		_____
	Хулоса ва таклифлар	_____
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	_____

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви, унинг ҳудудий ва глобал даражадаги рақобатбардошлиги, нисбий афзаллигини амалга ошириш молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантиришга чамбарчас боғлиқ. Чунки, халқаро меҳнат тақсимотининг кучайиши, халқаро

хўжалик иштирокчиларидан юқори даражадаги миллий иқтисодий рақобатбардошлигини талаб этади. Юқоридаги сабабларга кўра, Ўзбекистон ўз иқтисодий сиёсатида банк-молия ва саноат тармоқлари интеграциясини ривожлантиришга катта аҳамият бериб келмоқда. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов тўхталиб, «Табиийки, иқтисодий тараққиётни тезлаштиришда банклар ва бошқа молия ташкилотларининг аҳамияти жуда катта. Банкларсиз саноат бўлмаслигини, банкларсиз экспорт бўлмаслигини биз жуда яхши биламиз»¹, деб таъкидлаган эдилар. Бу йўналишда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш – устувор вазифалар қаторига киради. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, молия-саноат гуруҳлари, трансмиллий корпорациялар, трансмиллий банклар, халқаро молиявий марказлар фаолияти доирасининг кенгайиб бориши давлатлар иқтисодий ривожланишида сезиларли роль ўйнамоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қайд этганларидек, «банклар молия-саноат гуруҳлари ташкил этишнинг ташаббускори ва фаол иштирокчиси бўлиши даркор»². Жаҳон тажрибасидан маълумки, тижорат банкларининг инвестицион жараёнларда фаол қатнашиши иқтисодий модернизация қилишда ва мамлакат саноат салоҳияти мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутди. Яъни, «Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди. Бу ўринда биз нафақат корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришни, балки бундан тижорат банклари қанчалар манфаатдор экани ва улар бу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан нечоғлиқ фаол иштирок этаётганини ҳам кўзда тутамиз. Бунинг учун тижорат банклари етарли капиталга эга, молиявий барқарор бўлиши лозим, бир сўз билан айтганда, улар йирик инвестиция институтларига айланиши даркор»³ Тижорат банкларининг йирик инвестиция институтларига айланиши ўз навбатида, молия ва саноат капиталининг ўзаро бирлашишига қулай замин яратади.

Республикаимиз иқтисодий бариқарор ривожланишини таъминлаш, корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантириш, юқори илмий сифимли ишлаб чиқаришларни ривожлантириш катта ҳажмдаги инвестицияларни талаб қилади. Мазкур масалани ижобий ҳал қилиш мақсадида молия-саноат гуруҳларини шакллантириш лозим. Молия-саноат гуруҳларида

¹ Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Тошкент: «Ўзбекистон», 2005. – Б. 131.

² Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – (Т.15). – Т.: «Ўзбекистон», 2007. – Б. 205.

³ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – Б. 57.

молия капитали билан саноат капитали бирлашиши – бу, нафақат инвестиция жараёнлари фаоллашишига, балки иқтисодийтимиз рақобатбардошлигини оширишга самарали таъсир кўрсатади.

Битирув малакавий ишни илмий ўрганганлик даражаси- Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва улар фаолиятини ривожлантириш масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар Р.Брейли, С.Майерс, М.А.Эскиндаров, Э.А.Уткин, Т.И.Минина, Г.Л.Макарова, А.Е.Дворецкая, А.Г.Мовсесян, Б.М.Смитиенко, В.А.Цветков, И.Ю.Беляева, В.В.Яронтовский, А.С.Кудаков, Е.В.Ленскийларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган.

Хорижий давлатларда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш моделлари ва фаолият юритиш механизмларининг айрим жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.Вахабов, Н.Ҳайдаров, М.Хамидулин, Н.Жумаев, Ф.Мирзаев, Ф.Додиев ва О.Сабиоровлар илмий изланишларида ўз ифодасини топган. Масалан, Ф.Мирзаевнинг докторлик диссертациясида молия-саноат гуруҳларининг банк хизматлар бозоридаги рақобатни шакллантиришдаги ўрни ва таъсирини кучайтириш масалалари тадқиқ этилган. Ф.Додиевнинг илмий ишлари тижорат банклари иштирокида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш масалаларига бағишланган. М.Хамидулиннинг докторлик диссертациясида молия-саноат гуруҳларида корпоратив бошқарувнинг молиявий механизми борасида мулоҳазалар юритилган. О. Сабиоровнинг илмий ишлари эса, молия- саноат гуруҳлари фаолиятининг моҳияти ҳамда уларни шакллантиришда тижорат банкларининг ўрнини тадқиқ этишга бағишланган.

Битирув малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари- Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг **вазифалари** қуйидагилардан иборат:

- молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг назарий-концептуал асосларини тадқиқ қилиш;
- молия-саноат гуруҳларининг иқтисодий моҳиятини очиб бериш ва таснифлаш;
- жаҳонда молия-саноат гуруҳлари шаклланиши ва ривожланишининг концептуал асосларини ўрганиш;
- Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг иқтисодий-молиявий шарт-шароитларини аниқлаш;
- хорижий мамлакатлар молия-саноат гуруҳлари ривожланишини қиёсий таҳлил қилиш;
- молия-саноат гуруҳларини шакллантириш бўйича хориж тажрибасини мамлакатимиз иқтисодийида ижобий қўллаш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш борасидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш хусусиятларини аниқлаш ва истиқболларини белгилашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;
- республикада молия-саноат гуруҳларини шакллантириш бўйича илмий

таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг объекти- Андижон вилояти Балиқчи тумани ҳокимлиги объект сифатида танланди.

Битирув малакавий ишнинг предмети- Андижон вилояти Балиқчи туманидаги саноат корхоналар, туманнинг иқтисодий ҳолати устивор йўналиш сифатида танланди.

Битирув малакавий ишнинг назарий ва услубий асослари - Ўзбекистон республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, вазирлар Маҳкамаси қарорлари, И.А.Каримов асарлари, Ўзбекистон ва хорижий олимларнинг илмий ишлари ва мақолалари.

Битирув малакавий ишнинг манбалари. Битирув малакавий ишини ёритишда норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, ижтимоий ҳимоя соҳасида илмий изланишлар, олиб борган тадқиқотчилар, профессор олимларнинг илмий адабиётларидан, илмий мақолалар, тадқиқот натижаларидан кенг фойдаланилган.

Битирув малакавий ишнинг аҳамияти-Андижон вилояти Балиқчи туманида саноат тармоқларини такомиллаштириш муаммоларини ўрганиш, молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш туман иқтисодиётини янада ривожланишида дастак вазифасини ўтайди. Бизнинг фикримизча мазкур битирув малакавий ишида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш хусусидаги киритилган иқлифлар амалиётда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг структуравий тузилиши- кириш, 3 та боб, хулоса ватаклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда жадваллардан иборат. Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва илмий муаммонинг ўрганганлик даражаси асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг амалий аҳамияти ҳамда назарий томондан асослаб берилган.

Битирув малакавий ишнинг биринчи боби “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва самарадорлигини баҳолашнинг назарий асослари” деб номланиб, унда асосан мавзунинг назария томонидан олимлар томонидан келтириб ўтилган илмий асосланган назарий манбалар ва уларнинг моҳияти очиб берилган.

Битирув малакавий ишнинг иккинчи боби “Андижон вилояти, Балиқчи туманида саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларининг иқтисодий таҳлили” деб номланиб, унда асосан Балиқ туманида мавжуд саноат корхоналари ҳамда туманнинг иқтисодий-ижтимоий ҳолати таҳлил қилинди.

Битирув малакавий ишнинг учинчи боби- “Молия саноат гуруҳларини ташкил этишни такомиллаштириш йўллари” деб номланиб, ушбу бобда хорижий мамлакатларда ташкил этилган молия саноат гуруҳлари ҳамда молия-саноат гуруҳларни ташкил этиш бўйича хорижий мамлакат моделларининг моҳияти ва мазмуни очиб берилган.

Битирув малакавий ишнинг **хулоса** қисмида амалий тасиялар ва илмий хулосалар берилган.

I-БОБ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва самарадорлигини баҳолашнинг назарий асослари

1.1. Молия-саноат гуруҳларининг моҳияти ва иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти

Миллий иқтисодий ривожлантиришда саноат корхоналарининг ўрни бекиёсдир. Бугунги кунда мамлакатимизда саноат тармоқлари ривожланиб бормоқда. «Юртимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.»⁴

Молия-саноат гуруҳлари – ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш учун ўзларининг моддий ёки номоддий активларини бирлаштирувчи асосий ёки қўшимча жамият сифатида фаолият кўрсатувчи юридик шахслар мажмуалари ҳисобланадилар. Молия-саноат гуруҳлари манфаати, стратегияси ва унга эришиш йўллари умумий бўлган ишлаб чиқариш соҳалари ва йирик банк монополияларининг бирлашмаси ҳисобланади. Бунда саноат капитали билан банк капиталининг бирлашуви рўй беради. Дастлаб йирик молия саноат гуруҳлари оилавий молия гуруҳлари, Рокфеллерлар, Морганлар, Дюпонлар, Меллонлар ва бошқалар атрофида шаклланди. Кейинчалик бу гуруҳлар аниқ ҳудудлар бўйича уюшди ва турли оилавий гуруҳларнинг молиявий капиталини бирлаштирди (Кливленд, Калифорния, Чикаго молия-саноат гуруҳлари ва бошқалар). Молия капиталининг вужудга келиши ва ривожланиши молия олигархияси табақасининг пайдо бўлишига олиб келади. Молия саноат гуруҳлари ва молия олигархияси жамият ҳаётида муҳим ўринни эгаллайди. Бу уларнинг қўлида иқтисодий потенциалнинг жамланиши, компания (фирмалар) акциялари назорат пакетига эгалик қилиш ҳамда сиёсий институтлар ва оммавий ахборот воситаларига бевосита таъсир этиш имкониятлари билан белгиланади.

Молия-саноат гуруҳи ўз қатнашчиларининг моддий ва молия ресурсларини қўшиш йўли билан капиталларни бирлаштириш асосида фойда (даромад) олиш, ишлаб чиқаришнинг рақобат қилиш қобилиятини ва самарадорлигини ошириш, мақбул технология ва кооперация алоқаларини ташкил этиш, экспорт имкониятларини кўпайтириш, илмий-техникавий тараққиётини ривожлантириш ҳамда инвестицияларни жалб қилиш мақсадида

⁴ И.А.Каримов “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Т: Ўзбекистон. 2014 йил, 5-бет.

фаолият юритувчи кредит-молия муассасалари, инвестиция муассасалари, корхоналар, бошқа муассасалар ва ташкилотларнинг хўжалик уюшмасидир.

Ўзбекистон Республикасида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида», «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мазкур Низом ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Молия-саноат гуруҳларини ташкил этишнинг яна бир муҳим жиҳати, Мулкчилик шаклларида қатъи назар, ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналар, шунингдек, кредит-молия ва бошқа муассасалар, инвестиция муассасалари, ташкилотлари, шу жумладан, хорижий муассасалар, инвестиция муассасалари ва ташкилотлари молия-саноат гуруҳи қатнашчилари бўлишлари мумкин.

Молия-саноат гуруҳлари моҳияти масаласини ўрганишда унинг иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Яъни, молия- саноат гуруҳларининг ўзига хос меъёрий-ҳуқуқий асосини шакллантириш учун мазкур хўжалик юритиш субъектларининг фаолияти билан бевосита боғлиқ жараёнлари, тамойиллари ва моҳиятини, ташкил топиш сабабларини чуқур таҳлил қилиш зарур.

Молия-саноат гуруҳлари тушунчаси моҳияти ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатадики, хорижий иқтисодчилар кўпинча бундай бирлашмаларнинг иқтисодий моҳиятини тўлиқ ифодаламайдиган таърифни қўллайдилар. Масалан, И.Стародубровскаянинг фикрича, молия-саноат гуруҳлари деганда, одатда, иқтисодиётни тузилмавий қайта қуришнинг муҳим масалаларини ҳал этиш ва мувофиқлаштирилган хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун молиявий институтлар ҳамда саноат корхоналарини бирлаштириш доирасида содир бўлган давлат раҳбарлигида ташкил этилган ташкилот тушунилади. Бироқ, мазкур таърифда моддий, номоддий ва молиявий активларнинг бирлаштирилиши масалаларига эътибор қаратилмаган. И.Ю.Беляев молия-саноат гуруҳларини бирлашган капиталнинг ҳаракати натижаси сифатида таърифлайди, юридик тузилмаларнинг бирлашишига ва уларнинг асосий мақсадларига эътибор бермасдан фақатгина капитал нуқтаи назаридан ёндашган⁵. А.Е.Дворецкая молия-саноат гуруҳларини барча гуруҳ иштирокчиларининг умумий фойдасини ошириш ва саноатга инвестицияларни йўналтириш мақсадида молиявий ресурсларни тўплашга имкон берувчи тузилма сифатида таърифлаб, ишлаб чиқаришни ҳисобга олмаган ҳолда фақатгина молиявий жиҳатига эътибор қаратади. В.А.Цветковнинг таърифлашича, молия-саноат гуруҳлари деганда, хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун меҳнатни тақсимлаш ва уни мувофиқлаштириш, улар ўртасида ўзаро боғлиқликдаги иқтисодий ва молиявий муносабатларни ўрнатиш асосида молиявий ташкилотлар билан саноат корхоналарини бирлаштириш доирасида

⁵ Беляева И.Ю., Эскиндаров М.А. Капитал финансово-промышленных корпоративных структур. – М.: Изд. ФА, 1998. – С. 298.

содир бўлган молия-саноат мажмуалари тушунилади⁶. Фикримизча, ушбу таъриф юқорида берилганларга нисбатан тўлиқроқ мазмун касб этади.

Назаримизда, келтирилган таъриф етарли даражада аниқ эмас, фикримизча, молия-саноат гуруҳлари фаолиятининг мақсади таърифланиб, моддий, номоддий ва молиявий активларнинг бирлаштирилиши, ўзаро боғлиқликдаги иқтисодий ва молиявий муносабатларга урғу берилган. Амалда эса, улар мутлақо турли хилдаги тушунчалар ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан М.Б.Хамидулиннинг таърифлашича, молия-саноат гуруҳи ўзида самарали ишлаб чиқариш, молия-хўжалик фаолиятини таъминлаш мақсадида ўзининг номоддий, молиявий, ишлаб чиқариш ресурсларини тўлиқ ва қисман бирлаштирган ишлаб чиқариш, савдо-тижорат корхоналари, молия-кредит институтларини ўз ичига олган хўжалик юритувчи субъектларнинг мажмуини намоён этади. Мазкур таърифда молия-саноат гуруҳлари фаолиятини ифодаловчи тушунчалар қамраб олинган бўлиб, фақатгина бошқарув тизимига эътибор қаратилмаган. Иқтисодий адабиётда мазкур жиҳатларнинг чуқур таҳлили молия-саноат гуруҳлари таърифида қуйидаги муҳим элементларни аниқлаш имконини берди:

- ✓ иқтисодиётдаги турли хил хўжалик субъектларининг бирлашиши
- ✓ (юридик шахслар мажмуаси);
- ✓ моддий ва номоддий активларнинг бирлашиши;
- ✓ инвестицион лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш учун молия- саноат гуруҳларини ташкил этишнинг аниқ мақсадли характерга эга эканлиги.

Фикримизча, юқоридаги учта элементни ўзига қамраб олган таърифгина молия-саноат гуруҳлари моҳиятини тўлароқ очиқ беради. Шундай қилиб, молия-саноат гуруҳлари деганда, ишлаб чиқариш, хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида марказлашган бошқарувга эга бўлган ва ўзларининг ресурсларини (ишлаб чиқариш, молиявий, меҳнат, номоддий ва бошқалар) бирлаштирган ишлаб чиқариш, савдо корхоналари ва молия-кредит институтларини ўз ичига олган мустақил юридик шахсларнинг интеграцияси шакли тушунилади.

Маълумки, XX асрнинг 90-йилларига келиб, аксарият мамлакатларда йирик молия-саноат гуруҳлари шакллантирилди. Ҳозирги кунда улар ўзида турли соҳалар саноат корхоналарини, жумладан, металлургия, кимё, машинасозлик, энергетика ва бошқаларни бирлаштирган тарзда мураккаб тузилмалар шаклида фаолият юритади. Молия-саноат гуруҳлари ўзида йирик миқдордаги капитални тўплаган ҳолда, янада диверсификациялашга имкон берувчи истиқболли ривожланиш йўналишларида фаолият юритади.

Умуман олганда молия-саноат гуруҳларини ташкил этишда:

- ✓ устав капиталида давлат мулки улуши, шунингдек, жамоатчилик бирлашмалари, хайрия ёки бошқа жамоатчилик фондлари ва улар корхоналарининг мулки 25 фоиздан ортиқ бўлган корхонага акцияларнинг сотиб олинишига;

⁶ Цветков В. А. ФПГ в системе рычагов стабилизации экономики России: автореф. дис. ... канд. эконом. наук. – М.: 1997. – С. 16.

✓ молия-саноат гуруҳи қатнашчилари томонидан давлат мулки улуши 25 фоиздан ортиқ бўлган капиталнинг ихтиёрий тартибда бирлаштирилишига;

✓ капитал таркибидаги моддий активлари 50 фоиздан кам бўлган хўжалик уюшмалари, шунингдек, холдингларнинг молия-саноат гуруҳида қатнашишларига;

✓ молия-саноат гуруҳи қатнашчилари томонидан акцияларга икки ёқлама эгалик қилишга;

✓ гуруҳга кирувчи кредит-молия муассасасига ёки инвестиция муассасасига молия-саноат гуруҳининг ҳар қандай қатнашчиси бўлган корхонанинг 10 фоиздан ортиқ акцияларига эгалик қилишига, шунингдек, шу гуруҳга кирувчи корхоналар акцияларига кўрсатиб ўтилган муассасалар активларининг 10 фоизидан ортиғи қўшилишига йўл қўйилмайди.

Миллий иқтисодиётимизни ривожланиши молия-саноат гуруҳлари ташкил этишда монополияга қарши кураш органи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу фикрни қуйидаги жумлалар орқали ифодалаш мумкин.

Молия-саноат гуруҳларини ташкил этишда монополияга қарши кураш органи билан олдиндан келишмасдан:

✓ молия-саноат гуруҳи қатнашчилари таркибига монопол корхоналар рўйхатига киритилган корхоналарнинг киришларига;

✓ молия-саноат гуруҳи томонидан бошқа молия-саноат гуруҳи қатнашчилари бўлган корхоналар акцияларининг сотиб олинишига йўл қўйилмайди.

Молия-саноат гуруҳларини ташкил этишнинг ижобий тарафлари:

✓ бўш иш ўрни сонини ортиши;

✓ маҳсулот ассортиментини кўпайиши;

✓ бўш турган маблағларни маълум мақсад сари йўналтириш;

✓ акциядорлар сонини ортиши;

✓ суғурта компаниялари фаолиятида жадал ривожланиш жараёни.

Молия-саноат гуруҳлари билан шартномалар тузиш 2 хил йўналишда амалга оширилади:

1. давлат билан тузилган шартномалари;

2. нодавлат ташкилотлари билан тузилган шартномалар.

Давлат билан тузилган шартномага кўра ишлаб чиқарилаётган ёки марказлаштирилган тартибда экспорт қилинаётган маҳсулот улуши корхона томонидан олдинги йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотнинг 30 фоизидан ортиқ бўлганда корхона молия-саноат гуруҳи қатнашчиси бўлиши учун “Ўзистикболстат” давлат қўмитасининг розилиги талаб этилади.

Давлат мулки улуши 25 фоиздан ортиқ бўлган давлат корхоналари, ширкат (жамоа) корхоналари, шунингдек, давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган ташкилот ва муассасалар молия-саноат гуруҳлари қатнашчилари учун давлат мулкани тасарруф этиш ваколати берилган орган розилиги талаб қилинади.

Нодавлат ташкилотлар билан тузилган шартномаларда шартномада белгиланган шартлар ва келишувлар асосида амалга оширилади.

Молия-саноат гуруҳларини ташкил этишда акция пакетлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Молия-саноат гуруҳларини ихтиёрийлик тартибида ёки акциялар пакетларини бирлаштириш асосида ташкил этиш қуйидаги йўсинда амалга оширилади:

- гуруҳ қатнашчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган тартибда очик ёки ёпиқ турдаги акционерлик жамиятини, шунингдек, холдингни таъсис этиш;
- гуруҳ қатнашчилари томонидан гуруҳ таркибига кирувчи корхоналар ва молия-кредит муассасаларининг ўзларига тегишли бўлган акциялар пакетларини гуруҳ қатнашчиларидан бирига ваколатли бошқаришга бериш;
- гуруҳ қатнашчиларидан бири томонидан бошқа корхоналар, шунингдек, гуруҳ қатнашчиси бўлаётган муассаса ва ташкилотлар акциялари пакетларини сотиб олиш.

Давлатга тегишли бўлган акциялар пакетлари, давлатга тегишли бўлган акциялар пакетларини ваколатли бошқаришга берилиши ёки уларнинг сотиб олиниши мазкур бандга мувофиқ молия-саноат гуруҳларини ташкил этишга олиб келганда уларнинг миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан монополияга қарши қонунчилик талабларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

1.2. Миллий иқтисодиётда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ташкил этиш

Халқаро амалиётда бир қатор мамлакатларда тижорат банклари иштирокидаги молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш амалиёти кенг тарқалган бўлиб, улар самарали фаолият кўрсатмоқда. Одатда, тижорат банклари иштирокидаги молия-саноат гуруҳлари аъзолари ўртасида молиявий ресурсларнинг самарали қайта тақсимланиши ва фаолият юритиш механизми қулайлиги туфайли кенг тарқалгандир. Мамлакатимизда ҳам тижорат банклари ташаббускорлиги ва фаол иштирокида молия-саноат гуруҳларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Банклар иштирокидаги молия-саноат гуруҳлари марказида молия-кредит ташкилотлари, аксарият ҳолларда йирик тижорат банки бошчилигидаги банк холдинги бирлашмаси туради. Одатда, улар таркибига инвестицион компаниялар, саноат корхоналари, савдо компаниялари, траст ва молия компаниялари, реклама ва консалтинг, суғурта фирмалари киради.

Ривожланган мамлакатларда банклар молия-саноат тузилмаларининг марказий органи ҳисобланади. Банк маълум корхоналар доирасида фаолият юритиши билан биргаликда уларнинг фондлари ҳаракати тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлади. Бирор муаммо юзага келадиган бўлса, у зарур бўлган чораларни қабул қилади. Чунки, ишлаб чиқариш жараёнининг натижаси унинг шахсий иқтисодий манфаатларига бевосита таъсир кўрсатади. Молия-саноат гуруҳи иштирокчиси бўлган корхонанинг молиявий ҳолати ёмонлашганда банк молиявий соғломлаштиришда фаол қатнашади, маълум бир пул оқимларини ва тузилмавий ўзгартиришларни ўтказишда банкдан барқарор молиявий ҳолат талаб этилади. Фикримизча, молия-саноат гуруҳларини

шакллантириш жараёнида банк фаол иштирок этишининг асосий шарт-шароитлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Молия-саноат гуруҳларини шакллантиришга қаратилган концепцияларни ишлаб чиқиш, меъёрий ҳужжатлар ва инвестицион дастурлар лойиҳасини тайёрлашда банк мутахассисларининг бевосита ва фаол иштирок этиши.

2. Молия-саноат гуруҳини ташкил этишга тайёргарлик босқичида, унинг таркибига кирувчи корхоналар раҳбарлари билан тузилаётган компанияга бош ташкилот ва банк вакилларининг фаол муносабати.

3. Юқори самарали ишлаб чиқариш тузилмалари ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг тўлиқ даврини молия-саноат гуруҳи доирасида ташкил этиш.

4. Банкка молия-саноат гуруҳининг молиявий ҳисоб-китоб маркази функциясини бириктириш.

5. Банк негизида гуруҳ таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари акцияларини чиқариш ва жойлаштиришга хизмат кўрсатувчи марказий депозитарийни ташкил қилиш.

6. Молия-саноат гуруҳи бошқарув тизимини лойиҳалаштириш ва жорий қилишда банк мутахассисларининг иштирок этиши ҳамда компания бошқарув органи таркибида банк вакилларининг мавжуд бўлиши.

Шундай қилиб, банклар молия-саноат гуруҳларининг муҳим таркибий қисми бўлиб, уларни ташкил этиш ва ривожлантиришда объектив равишда фаол иштирок этади.

Халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасида молия-саноат гуруҳлари фаолиятини ташкил қилишда қуйидаги моделлардан фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаймиз:

- япон модели;
- германия модели.

Ушбу икки моделнинг ўзига хос хусусияти шундаки, молия-саноат гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини асосан банклар бажаради.

Ўзбекистонда саноат ва молия капиталининг интеграциялашувини кенгайтириш шакли сифатида банк бошчилигидаги молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Банк молия-саноат гуруҳлари таркибига қуйидаги корхона ва ташкилотларни жалб этиш мақсадга мувофиқ⁷:

- банк акциядори ҳисобланган корхона ва ташкилотлар;
- акциялар пакетининг аксарият қисми банкда бўлган корхона ва ташкилотлар;
- ўз молиявий ҳолатини барқарорлаштириш учун инвестиция қўйилмаларига муҳтож корхона ва ташкилотлар.

Фикримизча, тижорат банкларининг молия-саноат гуруҳларини шакллантиришда ташаббускорлик қилиши ва фаол иштирок этишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш лозим.

⁷ Вахабов А.В., Хажигакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т.: «Молия», 2010. – Б. 144-145.

Мамлакатимизда тижорат банклари иштирокида молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш учун, дастлаб, банк тизимининг молиявий ҳолатини ўрганиш муҳимдир. Бунда тижорат банкларининг капиталлашув даражаси, уларни иқтисодиётнинг реал секторидаги корхоналар билан ўзаро молиявий алоқалари ҳамда инвестицион муносабатлардаги иштироки алоҳида аҳамиятга эга.



1-расм. Тижорат банки иштирокидаги молия-саноат гуруҳини шакллантиришнинг шартли ташкилий тузилмаси⁸.

Фикримизча, мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг ташкилий тузилмасини юқоридаги 1.2.1-чизмадаги каби кўринишда тасвирлаш мумкин. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молия-саноат гуруҳи таркибига кирувчи тижорат банки фаолиятини доимий равишда назорат қилиб боради, шунингдек, тижорат банкининг молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади. Молия-саноат гуруҳининг марказий компанияси ўз атрофида ишлаб чиқариш корхонаси, савдо, суғурта, инвестиция ва лизинг компанияларини бирлаштиради ҳамда улар фаолиятини мувофиқлаштиради. Молия-саноат гуруҳини шакллантириш жараёнида гуруҳ таркибига иштирокчиларни киритиш ҳамда уларнинг гуруҳ доирасидаги ўзаро акциядорлик муносабатлари Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тартибга солинади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, тижорат банкларининг инвестицион жараёнларда фаол қатнашиши иқтисодиётни модернизация қилишда ва мамлакат саноат салоҳияти мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги босқичидаги долзарб масалалардан бири, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш, яъни уларни йирик инвестиция институтларига айлантиришдир.


⁸ Атаниязов.Ж. // Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш йўллари ва имкониятлари.// Автореферат. Т.: -2012.- Б.15.

Тижорат банкларининг йирик инвестиция институтларига айланиши молия-саноат гуруҳларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

Молия капитали билан саноат капиталининг ўзаро бирлашиши инвестиция жараёнлари фаоллашишига, шунингдек, иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдамлашади. Шу билан биргаликда, хорижий мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда молия ва саноат капиталининг бирлашиши, яъни молия-саноат гуруҳларини шакллантириш орқали қуйидаги афзалликларга эришиш мумкинлигини қайд этиш лозим:

- молия-саноат гуруҳлари банк ва саноат капитали интеграциясини кучайтиради, бу эса, ўз навбатида, инвестицион муҳит яхшиланишига замин яратади;
- фаолиятнинг диверсификацияланганлиги гуруҳга аъзо корхоналар барқарорлиги ҳамда маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширади;
- молия-саноат гуруҳлари технологик ва кооперацион алоқадор корхоналарнинг бирлашиши учун қулай шароит яратади ва бунинг натижасида ишлаб чиқариш барқарорлашади;
- молия-саноат гуруҳлари иқтисодиётнинг устувор йўналишларига тармоқлараро ва тармоқлар ичида ресурсларни қайта тақсимлаш механизми ривожланишига ёрдам беради;
- молия ва саноат капитали бирлашиши натижасида молиявий ресурслар айланиши тезлашади ва бунинг натижасида корхоналарнинг молиявий барқарорлиги таъминланади;
- миллий корхоналарнинг жаҳон бозорларига чиқиш имконияти вужудга келади ва бу жараён натижасида уларнинг ушбу бозорларда рақобатлашувининг ошиши кузатилади ва бошқалар.

Фикримизча, мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришда асосан йирик банклар атрофида муҳим саноат корхоналарини бирлаштириш мақсадга мувофиқ.



2–расм. Молия-саноат гуруҳларини ташкил этишнинг схемали кўриниши.

Молия-саноат гуруҳлари субъектлари фаолиятлари фақат талаб ва таклиф қонуни талаблари асосида, режалаштиришга асосланмаган ҳолда олиб борилиши, корпоратив бошқарувни самарали бўлишига салбий таъсир этади. Чунки корпоратив субъектлар фаолиятини фақат талаб ва таклиф қонуни асосида бозорда шаклланаётган талаб ва таклиф орқали олиб борилиши ортқча ишлаб чиқариш харажатларига, ишлаб чиқариш тармоқлар таркиблари тизимини бузилишига олиб келади. Бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида корпоратив субъектлар фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришни режалаштиришда бозор муносабатларини шакллантирувчи талаб ва таклифларни эътиборга олган ҳолда амалга оширилиши зарур.

Молия-саноат гуруҳлари субъектларининг технологик тараққиёти молиявий ривожланиши билан узвий равишда боғлиқ. Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришда бўладиган ижобий ўзгаришлар корпорациялар фаолиятларини стратегик режалаштириш ва бошқаришига ўз таъсирини кўрсатади.

Корпоратив бошқарувнинг миллий моделини шакллантириш Ўзбекистон учун ўзига хос ечимни ифодалаши ва МХДнинг бошқа давлатларида ишлатилаётган моделларнинг шунчаки нусхаси бўлмаслиги керак. Бошқарувга нозик ёндашишни қўллаб-қувватлаш зарур бўлиб, мос равишдаги бошқарув модели нафақат ҳар бир компанияда турлича бўлади, балки айти бир компаниянинг турли яшаш давларида ҳам ўзгартириб борилади. Корпоратив бошқарувнинг миллий модели самарали бўлиши бозор иқтисодиёти билан биргаликда қонуннинг устуворлиги, иқтисодиётни тартибга солишдаги самарали давлат тизими, қимматли қоғозлар, меҳнат ресурслари ва товарларнинг фаол бозори, хорижий инвесторнинг фойдани ўз мамлакатига олиб чиқа олиш имконияти ҳамда валютанинг конвертация қилинишини талаб этади.

Гарчанд иқтисодий тараққиёт даври бўлса ҳам, давлат хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий тараққиётини тўғридан-тўғри бошқара олмайди. Аммо кейинги даврларда, жумладан, АҚШ давлатида кўпроқ эътиборни давлатнинг иқтисодий секторида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалаларига эътибор берилмоқда.

Корпоратив бошқарувни келажакда ўтмишдаги, яъни собиқ тизим давридаги каби йирик ишлаб чиқариш технологик ташкилот турлари бўлган комбинат, завод илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш унинг асосини ташкил этади.

Истиқболда бундай асосда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, уни такомиллаштириш Ўзбекистон иқтисодиётини келажакда ривожланишини ифодалайдики, бу ривожланиш амалиётда қўлланилаётган асосий жаҳон бозорини жиҳози ҳисобланади.

Бу даврда мустақил кичик бизнес ишлаб чиқариш субъектлари эмас, балки улар асосида йирик молия-саноат таркибини ўзида ифодаловчи корпоратив бошқармалар иш олиб борадилар.

Ижтимоий ҳаёт икки йўналишдаги муносабатлар асосида:

□□мулкчилик муносабатларига асосланган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосида;

□□ташкилий – иқтисодий муносабат асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ўзаро иқтисодий муносабатлар орқали хўжалик юритишни услубий бошқарувида амалга оширилиши керак.

Молия-саноат гуруҳлар бозор иқтисодиётининг ташкилий – иқтисодий муносабатлари жиҳатида ва ўзаро иқтисодий фаолиятни бошқарув усули ҳисобида қаралиши мумкин.

Миллий иқтисодиётни мустақил ва мўътадил, иқтисодий инқирозсиз ривожланиши ишлаб чиқаришни инвестициялаштириш ва бу инвестиция маблағларидан самарали фойдаланишда ҳам корпоратив бирлашма бошқарувнинг роли катта. Корпоратив субъектлар, корпоратив таркиблар жамият ва иқтисодиётни махсус ижтимоий–иқтисодий ва ташкилий таркибини ташкил этади.

Молия-саноат гуруҳлари ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишини, ҳозирги замон ишлаб чиқариш технологияларини бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликда қўллашни оптимал шароитларини ташкил этади. Шунинг учун ҳам корпоратив бошқарувни назарий ва услубий ривожланишини ҳозирги бозор иқтисодиёти шаклланиши даврида ўрганиш жуда зарур.

Молия-саноат гуруҳлари жамиятнинг етакчи кучи бўлган ишчилар синфини ўзида бирлаштиради. Саноат ривожини туфайли унда банд бўлган ходимларнинг сони кўпаяди, уларнинг билим ва илми, маҳорати ортади, кадрлар салоҳияти юқори даражага кўтарилади.

Молия-саноат гуруҳлари қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришини қайта қуришнинг негизи ҳисобланади. Уни янги техника билан таъминлаш орқали саноат деҳқон хўжалигини иқтисодий ва маданий жиҳатдан юқори даражага кўтаришга, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутни йўқотишга, деҳқон меҳнатини индустриал меҳнатга айлантиришга ёрдам беради.

Молия-саноат гуруҳлари учун узлуксиз фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш илм-фан ютуқлари билан қурулганининг ўсиши характерлидир. Унда электрлаштириш ва электронизациялаш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш ҳамда химиялаштириш соҳасидаги илғор ютуқлардан кенг фойдаланилади ва уларнинг ютуқларини тинчлик мақсадида қўлланилади.

Молия-саноат гуруҳлари айниқса унинг устувор соҳалари бутун ишлаб чиқаришни глобаллаштириш муаммоларини ҳал этишнинг калитидир.

Молия-саноат гуруҳлари моддий ишлаб чиқаришнинг бош тармоғи, иқтисодиётнинг пойдеворидир. Миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларини қайта қуришга қодир бўлган йирик машиналашган саноатгина мустақилликнинг бирдан бир моддий негизи бўлиши мумкин.


Молия-саноат гуруҳлари табиатда учрайдиган моддий бойликларни қазиб чиқариш ва тайёрлашни, уларни ва қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлашни ўз ичига қамраб олади. У барча халқ хўжалиги тармоқлари учун ишлаб чиқариш кучларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган жамиятнинг табиат устидан ҳукмронлигини бирмунча

орттирадиган, фан-техника тараққиётини белгилайдиган, инсон меҳнатининг унумдорлигини оширишга имкон берадиган, меҳнат ва ишлаб чиқариш қуролларини яратадиган соҳадир.

Молия-саноат гуруҳлари тараққиёти ишлаб чиқариш кучларининг бир томонлама ривожланишига хотима беради, мамлакат ва унинг ажралмас қисми бўлмиш вилоятларнинг табиий бойликларидан, хомашё ва меҳнат ресурсларидан кенгроқ ва ҳар томонлама фойдаланиш имкониятини яратиб беради.

Молия-саноат гуруҳлари ишлаб чиқариш уюшмалари, комбинатлари ва корхона (фирма)лари йиғиндисидир. Гуруҳлар ҳосил этиш учун корхоналар бир неча умумий хусусиятларга эга бўлишлари керак:

- ишлаб чиқариладиган маҳсулот иқтисодий мазмунининг бир хиллиги;
- ишлатиладиган хомашё ва асосий материалларнинг ўхшашлиги;
- ишлаб чиқаришнинг техник базаси ва технологик жараёнларининг умумийлиги;
- маълум касбдаги кадрлар таркибининг умумийлиги;
- ижтимоий меҳнатни ташкил этиш даражаси ва шакллариининг бир бирига ўхшашлиги ва ҳақозолар.



3-расм. Миллий иқтисодиётда молия-саноат гуруҳларини соҳаларда ташкил қилиниши.

Молия-саноат гуруҳларни ташуил этиш илмий жиҳатдан асосланган равишда таҳлил этиш ва режалаштириш, унинг самарадорлигини аниқлаш ва

бошқариш учун тармоқларни таснифлаш, яъни маълум гуруҳларга ажратиш лозим.

1.3. Молия-саноат гуруҳлар фаолиятини ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш

Ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий стратегияси узоқ вақтга мўлжалланган фундаментал мақсадларни ўртага қўйиш билан бир қаторда, бу мақсадларга эришиш воситалари, йўлларини белгилашни ҳам ўз ичига олади. Булар орасида молия-саноат гуруҳлари **самарадорлигини** ошириб бориш асосий ўринда туради.

Ўзбекистон давлатининг қудратини мустаҳкамлаш, аҳолининг моддий ва маънавий неъматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, келажакда эса — уларни мўл-кўл яратиш, иқтисодий ва илмий-техника соҳасида энг ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир.

Мустақилликка эришилганлик, қудратли иқтисодий ва илмий-техник салоҳият яратилаётганлик, иқтисодий-ижтимоий муносабатларнинг такомиллашаётганлиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалаларини биринчи ўринга қўйди. Бинобарин, Республика Президентининг маъруза ва нутқларида, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ишлаб чиқаришнинг, жумладан, саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг моҳияти ва аҳамияти, долзарб муаммолари, иқтисодиётни экстенсив ва интенсив тараққиёт йўлига ўтказиш муносабати билан келиб чиқадиган устувор вазифалар чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиб берилмоқда.

Маълумки, молия-саноат гуруҳларининг ривожланишида икки хил омил: миқдор ва сифат, экстенсив ва интенсив, яъни кенгайтирувчи (узайтирувчи) ва зўр берувчи, кучайтирувчи омиллар ҳаракатда бўлади. Бошқача қилиб айтганда, агар ишлаб чиқариш соҳаси кенгайтирилса, экстенсив сураатда кенгайган такрор ишлаб чиқариш бўлади; агар яна ҳам **кўпроқ самара** берадиган ишлаб чиқариш воситалари қўлланиладиган бўлса, интенсив сураатда кенгайган такрор ишлаб чиқариш юзага келади.

Ўзбекистон молия-саноат гуруҳларида ана шу икки йўлдан оқилона фойдаланиш натижасида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги босқичма-босқич ўсиб бормоқда.

Самарадорлик сўзи - бу энг кўп учрайдиган умумий тушунчалардан бири бўлиб, иқтисодий - ижтимоий тараққиётнинг хилма-хил соҳаларида жуда кенг ишлатилади. Масалан, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат самарадорлиги, ўқиш ва ўқитиш самарадорлиги, даволаш ва даволаниш самарадорлиги, қабул қилинган қонун ва қоидалар ҳамда ечимларнинг самарадорлиги ва ҳоказолар.

Самарадорлик молия-саноат гуруҳларининг ижтимоий-иқтисодий "кўзгуси" ҳисобланади. Бу "кўзгу"да ишлаб чиқаришнинг барча натижаларини кўриш мумкин. Маълумки, ҳар бир тармоқ, корхона, қолаверса, ҳар бир шахс ўз ишлаб чиқариш фаолиятида максимум фойда олишга интилади. Унинг учун

маълум харажатлар қилади. Ана шу фойда билан харажатлар ўртасидаги фарк тармоқ ва корхона фаолиятининг "кўзгуси" бўлган самарадорликда кўзга ташланади. Ишлаб чиқаришнинг энг юқори самарадорлиги ишлаб чиқариш харажатларини минимум даражага келтиришдан иборат.

Бозор муносабатлари шароитида молия-саноат гуруҳларида самарадорликнинг алоҳида ўрни мавжуд. Бозор иқтисодиёти натижалиликни, фойдалиликни тақозо этади. Тартибли бозорга асосланган иқтисодиётда энг кам ресурс сарфлаб кўп натижага эришиш зарур. МАҲСУЛОТ ишлаб чиқариш жараёнида 5 турдаги ресурслар тизими ҳаракатда бўлади:

- а) моддий ресурслар,
- б) меҳнат ресурслари,
- в) молиявий ресурслар,
- г) энергетик ресурслар,
- д) ахборот ресурслари, яъни информацион ресурслар.

Мана шу ресурслардан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш мумкин. Бундай фаолият ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишида муҳим аҳамият касб этади. Саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишнинг аниқ-равшан йўналишлари Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида кўрсатиб берилган.

Самарадорлик - бу фойдалилик, натижалиликдир. Маълумки, қандайдир натижа олиш учун меҳнат қилиш, ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ва маълум миқдорда харажат қилиш керак.

Самарадорликни аниқлаш учун натижани шу натижага эришишга сарфланган харажатлар ёки ресурслар билан таққослаш керак. Демак, Самарадорлик ишлаб чиқариш фаолияти натижалари билан уларга эришиш учун сарфланган меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларнинг ўзаро нисбатидир.

$$C = \frac{\text{натижа}}{\text{харажатлар}} = \frac{\text{натижа}}{\text{меҳнат, моддий ва молиявий ресурслар}}$$

Молия-саноат гуруҳлари фаолиятининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини фарқлайдилар. Самарадорликни иқтисодий ва ижтимоий турларга бўлиш шартли бўлиниш ҳисобланади. Моддий ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган ва меҳнат харажатлари билан боғлиқ бўлган натижаларнинг ҳаммаси иқтисодий ва маълум маънода ижтимоий самара деб айтиш мумкин.

Бу ерда шуни эслатиб ўтиш керакки, иқтисодий ва ижтимоий тушунчаларнинг сунъий бўлиниши ҳақида баҳслашиш мумкин. Лекин, иқтисод ижтимоий ҳаётдан ташқарида бўлмагани каби, ижтимоий ҳаёт ҳам иқтисодсиз бўлмайди. Демак, уларни бир-биридан ажратиш бўлмайди. Чунки амалга оширилган ҳар бир иш айна вақтда ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара келтиради.



4—
саноат гуруҳларнинг самарадорлини баҳолаш.

расм. Молия-

Иқтисодий самарадорлик молия-саноат гуруҳларинг иқтисодий натижасини кўрсатади. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш, бошқарув, янги техника ва технологияни жорий этиш, меҳнат сифатини ошириш ва ҳоказоларнинг натижаси. Иқтисодий самара материал, меҳнат, пул ва бошқа ресурсларни тежаш туфайли эришилган миқдор, вақтни тежаш, қурилиш муддатларини қисқартириш, меҳнат сарфини тежаш, иш вақтининг зое кетишини камайтириш, маблағлар оборотини тезлаштириш, маҳсулот етиштириш ҳажмини ўстириш, ишлар сифатини яхшилаш ва бошқа натижалар билан тавсифланади.

Ижтимоий самарадорлик шахснинг ҳар томонлама камол топишига ёрдам берадиган тадбирларни амалга оширишнинг самарадорлигини ифодалайди. У меҳнат ва турмуш шароитларини яхшиланишида, ходимлар малакасини оширишда акс этади ва асосий озик-овқат, саноат товарларининг аҳоли жон бошига истеъмол қилиниши, ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган нафақа ва имтиёзлар, кадрлар тайёрлаш бўйича харажатларнинг ўсиши билан тавсифланади.

Ушбу самаралар молия-саноат гуруҳларининг ўзида вужудга келаётганини ва бирлашиб бажарилган меҳнат туфайли ишловчилар ўртасидаги муносабатлар таърифланишини назарда туцак, уларни ижтимоий-иқтисодий самара деб атасак бўлади.

Иқтисодий самарадорликнинг моҳияти унинг мезони ва кўрсаткичлар тизимида акс этади.

Мезон масаласи иқтисодий самарадорлик назариясининг энг муҳим соҳаси ҳисобланади. Фалсафий маънода мезон-бу асосий ўлчов, муҳим фарқли белги, асосий нуқтаи назардир. Шулар асосидагина у ёки бу соҳадаги бизнинг билимларимизни объектив ҳақиқатлигини, тўғрилигини ва ишончлилигини аниқлаш, ҳақиқатни англашмовчиликлардан фарқ қилиш мумкин.

Молия-саноат гуруҳининг асосий мақсадига эришиш учун барча ресурслардан оқилона фойдаланиш, тайёрланадиган маҳсулотнинг ҳар бир бирлигига сарфланадиган харажатларни камайтириш керак бўлади. Демак, самарани ўлчаганда мезон сифатида жами ижтимоий меҳнатни тежаш, унинг унумдорлигини ошириш қабул этилади.

Молия-саноат гуруҳларининг умумий (мутлоқ) самарадорлиги деганда харажатлар ва ресурсларнинг айрим турлари билан солиштирилган ёки таққосланган иқтисодий самаранинг умумий миқдори тушунилади.

Молия-саноат гуруҳларининг умумий самарадорлиги харажатлар ва ресурсларнинг айрим турларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш ва баҳолаш учун қўлланилади ва умуман халқ хўжалиги бўйича, тармоқлар, корхоналар, капитал қурилиш объектлари бўйича ҳисоблаб чиқилади. Бундай самарадорликни аниқлаш харажатлар ва ресурслар самарадорлиги даражасини, самарадорликнинг асосий йиғимларини акс эттирувчи дифференцияланган кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқишга асосланади. Бундай кўрсаткичларга ишлаб чиқаришнинг ёки унда тайёрланадиган маҳсулотнинг меҳнат сиғими, материал сиғими, фонд сиғими, капитал сиғими киради.

Меҳнат сиғими миллий даромад, соф, ялпи, товар маҳсулотнинг ёки натурал шаклда ифодаланган маҳсулот бирлигига сарфланган харажат миқдорини тавсифлайди.

МАҲСУЛОТнинг сермеҳнатлилиги – бу муайян турдаги маҳсулотни (масалан, битта тракторни, костюмни ёки кўйлакни) ишлаб чиқаришга сарф бўлган иш вақти миқдорини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Меҳнат сиғимининг уч тури бўлади: технологик, тўла ва халқ хўжалиги меҳнат сиғими. Меҳнат сарфини ҳисобга олиш жиҳатига қараб эса у яна уч турга: режали меҳнат, норматив меҳнат ва ҳақиқий (амалдаги) меҳнат сиғимларига бўлинади.

Меҳнат сиғими бевосита сарф (асосий ходимлар сарф қилган меҳнат) бўйича, тўла сарф (ёрдамчи ходимлар сарф қилган меҳнат) бўйича ҳамда умумий ижтимоий маҳсулот ёки миллий даромад қийматига нисбати билан белгиланади. Айрим комплекслар ва уларнинг тармоқларида, корхоналарда эса моддий сарфлар миқдорининг қийматига нисбатан белгиланади:

$$M_c = \frac{M_x}{T_{mx}}$$

Кўпинча амалиётда меҳнат сиғимининг бошқача маъносини билдирувчи меҳнат унумдорлиги (M_y) кўрсаткичидан фойдаланилади:

$$M_y = \frac{T_{mx}}{M_x}$$

Меҳнат унумдорлиги - бу инсон меҳнатининг муайян вақт ичида озми - кўпми маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятидир.

Молия-саноат гуруҳларида ишлаб чиқариш материал сиғими - бу маҳсулот (иш бажариш, ёки хизмат кўрсатиш) бирлигига кетадиган ва унда ифодаланадиган моддий ресурслар (хомашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, сотиб олинadиган бутловчи буюмлар ва ярим фабрикатлар, ёқилғи ва энергия) ялпи сарфини тавсифлаб берувчи кўрсаткичдир. У қуйидаги формула ёрдами билан ифодаланади:

$$M_c = \frac{M_p}{M_x}$$

Тмх

Ишлаб чиқаришнинг фонд талаблиги бу маҳсулот бирлигига (натурал ёки қиймат доирасида) тўғри келадиган асосий ишлаб чиқариш фондларини тавсифловчи кўрсаткичдир. Фонд сиғими (Фс) асосий ва айланма фондлардан фойдаланишнинг самарадорлигини кўрсатади ва уларнинг ўртача йиллик қийматини (Ф) маҳсулот ҳажмига (Мх) нисбатини ифодалайди:

$$\Phi_c = \frac{\Phi}{M_x}$$

Бу миқдорнинг тескарисини фонд самараси (натижаси) ёки фонд қайтими (Фк) деб юритилади ва қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\Phi_k = \frac{M_x}{\Phi}$$

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини баҳолашда капитал қўйилмалардан фойдаланиш кўрсаткичлари ишлаб чиқариш фондларини қайта такрор ишлаб чиқаришнинг янги асосий ва оборот фондларини яратиш учун зарур бўлган жамғарма фондлари самарадорлигини тавсифлайди. Бундай кўрсаткичлардан энг муҳими капитал талаблик ёки капитал сиғими ҳисобланади. Бу кўрсаткич (Кс) капитал маблағлар(К)нинг ёрдами билан тайёрланган маҳсулотнинг қўпайган қисмига нисбати билан ифодаланади:

$$K_c = \frac{K}{\Delta M_x}$$

Юқорида келтирилган ва бошқа бир қатор табақалаштирилган (дифференцияланган) кўрсаткичлар ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини баҳолаш ва ташкил этишда муҳим ўрин эгаллайди, харажатлар ва ресурслар асосий турларининг қайтариб берилишини тавсифлайди. Лекин, фақат бу кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ўзгаришига баҳо бериш қийин, чунки улар ўзгаришнинг характери ва динамикасини таққослай олмайди. Ундан ташқари, баъзи бир даврларда улар ҳар хил йўналишда ўзгарадилар. Масалан, саноатда меҳнат унумдорлиги жуда секинлик билан қўпаймоқда.

Иқтисодий самарадорликни режалаштириш ва таҳлил этиш нафақат харажат ва ресурслар асосий турларидан фойдаланиш даражасини таҳлил этишни ўз ичига олиши керак, балки унинг бутунлай ўзгаришини, йиғинди (интеграл) самарадорликни баҳолашни ҳам ўз ичига олади. Мана шу мақсадда иқтисодий самарадорликнинг умумлаштирувчи, комплекс кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади ва ишлаб чиқаришнинг оқибат натижалари шу кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил этилади. Бундай кўрсаткичлар турли харажатлар ва ресурсларнинг даражасини йиғилган турда, ҳар хил омилларнинг таъсирини ҳисобга олади.

Молия-саноат гуруҳлари-техник вазифани ҳал этишнинг бирор вариантынинг ижтимоий - иқтисодий афзаллигини асослаб бериш, тақдим этилган вариантлардан энг самаралигини танлаб олиш мақсадида аниқланадиган самарадорлик қиёсий самарадорлик деб аталади. Қиёсий самарадорлик икки ва ундан ортиқ вариантларни таққослаш ва шу асосда бир вариантынинг бошқа вариантлардан устунлиги ва унинг оптималлигини аниқлаб беради.

Оптимал вариантни танлаб олиш ҳамда уни асослаб бериш учун қўшимча капитал маблағларнинг қопланиш муддати ёки қиёсий самарадорлик коэффициенти ҳисоблаб чиқиш ва улар миқдорини норматив қиймати билан таққослаш керак бўлади.

Юқорида келтирилган фикрлар яна қуйидагиларни қўшимчи қилиш мумкин, молия-саноат гуруҳларининг ривожланиш суръатини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$C = \frac{100 * P}{X},$$

бу ерда С – тармоқнинг ривожланиш суръати;

Р – тармоқ ривожланишининг режали даражаси;

Х – тармоқ ривожининг ҳисобот давридаги даражаси.

Молия саноат гуруҳларининг ривожланиш коэффициенти тармоқлар таркибидаги миқдор ўзгаришларни ифодалайди ва маълум даврдаги саноат тармоқ тузилмасидаги силжишларни кўрсатиб беради. Бу коэффициент қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$K = \frac{Tr * c}{Cp * c},$$

бу ерда Тр * с – тармоқнинг ривожланиш суръати;

Ср * с – саноатнинг ривожланиш суръати.

Молия-саноат гуруҳлари орасидаги юзага келган мутаносибликлар ва уларнинг ўзгаришига ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси ҳамда бошқа бир қатор омиллар таъсир этади.

Молия саноат гуруҳларининг асосий омилларга қуйидагилар киради:

- фан-техника тараққиёти ва унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- материал ва ёқилғи, энергетика ресурсларини иқтисодий тежашни кучайтириш;
- ижтимоий меҳнат тақсимоти, ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришнинг даражаси;
- саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари;
- аҳолининг моддий ва маданий даражаси ўсиши;
- ижтимоий-тарихий шароитлар;
- мамлакатнинг табиий ресурслари ва уларни ўзлаштириш даражаси;
- мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотида тутган ўрни ва унинг бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлиги.

Молия-саноат гуруҳларининг ўзгаришига энг кучли таъсир кўрсатувчи омиллардан бири илмий-техника тараққиётидир. Фан- техника тараққиёти энг

аввало, янги меҳнат воситалари ва маҳсулотнинг янги турларини яратиш, мавжуд асбоб-ускуналар ва технология жараёнларини такомиллаштириш, янгиларини жорий этиш билан боғлиқдир. Бу эса мавжуд саноат тармоқларидан янгидан янги соҳаларнинг ажралиб чиқишига ва шаклланишига туртки беради. Натижада прогрессив ҳисобланган, яъни автомобилсозлик, асбобсозлик, радиотехника ва электроника, лазер технологияси тез суръатлар билан ривожланади.

Бундан ташқари, фан-техника тараққиёти туфайли янги прогрессив хомашё, материаллар, ёқилғи, энергия турларидан фойдаланиш саноатда ишлаб чиқариш характерини ўзгартиради. Юқори тежамкорликка эга бўлган хомашё, материал, ярим фабрикатлар ва ёқилғи ишлаб чиқарадиган тармоқлар истеъмолчи тармоқларга етказиб боришни кенгайтиришлари натижасида халқ хўжалигининг бошқа тармоқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи нисбатан камаяди. Масалан, сунъий ва синтетик толани ишлаб чиқаришнинг тараққий этиши тўқимачилик саноатида бир сўмлик маҳсулот учун сарфланадиган табиий тола сарфини қисқартиради. Натижада маҳсулотнинг материал талаблиги камаяди ва саноат билан қишлоқ хўжалиги, саноатнинг қазиб олувчи тармоғи билан ишлов берувчи тармоғи ўртасидаги нисбат ўзгаради.


II боб. Андижон вилояти, Балиқчи туманида саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларининг иқтисодий таҳлили

2.1. Балиқчи туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили

Андижон вилоятда 3 та вилоятга ва 8 та туманларга бўйсунувчи шаҳарлар, 14 та туманлар, 5 та шаҳарча, 95 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари, 536 та аҳоли яшаш пунктлари мавжуд. Андижон вилояти табиат, минерал, маданият ва бошқа ресурсларга бойлиги билан ҳам бошқа вилоятлардан ажралиб туради. Ушбу ресурслардан фойдаланиш натижасида вилоят иқтисодиётининг барқарор ривожланишига эришилмоқда.

Андижон вилояти ҳокимлиги тасарруфидаги Балиқчи туман ҳокимлиги вилоятнинг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган. 1926 й. 29 сентябрда ташкил этилган. Наманган вилоятининг Норин тумани ва Андижон вилоятининг Избоскан, Шаҳрихон, Олтинқўл, Бўз, Улуғнор туманлари билан чегарадош. Майдони 0,34 минг км². Аҳолиси 150,8 минг киши. Балиқчи туманида 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (Алимбек, Балиқчи, Бстон, Гулистон, Охунбобоев, Сиза, Хўжаобод, Эски Ҳаққулбод, Ўмонбек) бор. Маркази — Балиқчиқишлоғи .

Балиқчи туман ҳокимлигининг аҳолиси, асосан ўзбеклар; руслар, татарлар, тожиклар, уйғурлар ва бошқа миллат вакиллари яшайди. 1 км² га 446 киши тўғри келади.



2.1.1-расм. Андижон вилоят ҳокимлигининг ташкилий тузилмаси

Балиқчи туманнинг меҳнат ресурслари 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра туманда 103,3 минг нафар меҳнатга лаёқатли аҳоли бўлиб, ҳисоб китобларга кўра уларнинг 76,7 минг нафари иқтисодиётнинг турли тармоқларида банддир. Булар давлат тасарруфидаги ташкилотларда ҳам иқтисодиётнинг муқобил турларида меҳнат қиладилар.

Балиқчи туманининг иқтисодиёт таркиби ҳақида сўз борар экан, жами 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра, 1286 та (Дехқон ва фермер хўжаликлари) кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 94 таси кичик корхона, 1292 таси микрофирмалардир. Бундан ташқари, туманда 986 та яқка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган.

Туманда ташқи иқтисодий алоқалар фаолияти ҳам жуда яхши йўлга қўйилган. Жумладан, 2013 йил 1 январь ҳолатига туманда 2 та чет эл инвестицияли корхоналар мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда 2 та қўшма корхона ишлаб келмоқда, ҳамда ушбу корхоналарда ишловчилар сони 125 нафарга етган.

Туманнинг молиявий натижарига тўхталиб ўтсак, 2013 йил давомида маҳаллий бюджет даромадлари (субвенсиясиз) 22 млрд 160 млн сўмни ташкил этиб, режага нисбатан 100,4%га бажарилган.

Балиқчи туманининг савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси: туманда 2012 йилда 331 та савдо, шундан 48 та умумий овқатланиш шаҳобчалари мавжуд бўлса. 2013 йилда ва 2014 йилда ҳам 598 та савдо, 38 умумий овқатланиш шаҳобчалари мавжуд. Юқоридаги фарқларни жадвал орқали таҳлил қилишимиз мумкин.

2.1.1-жадвал**Балиқчи туманида фаолият олиб бораётган савдо ва умумий
овқатланиш субъектларининг сони**

№	Соҳа номи	2011 йил	2012 йил	2013 йил	Фарқи (2011 йилга нисбатан)
1.	Савдо	298 та	331 та	598 та	+ 300 та
2.	Умумий овқатланиш	28 та	48 та	38 та	+10 та
	Жами:	326 та	379 та	636 та	+310 та

Андижон вилояти Балиқчи туманида савдо ва умумий овқатланиш субъектларининг фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, йилдан-йилга ушбу соҳа ривожланиб келмоқда, унинг характерли томони шундаки, иқтисодий жараёнга тез мослаша олиши, ва ушбу фаолиятда таваккалчилик ҳам пастроқ даражада бўлади. Агар фаолият жараёнида бор бир ноқулайликлар бўлса ёки иқтисодий инқирозга юз тутилса, ушбу жараённи тезда бошқа соҳага алмаштириш мумкин ҳамда ушубук ҳолатга тезда мослаша олиши билан ажралик туради.

2011 йил туман аҳолисига жами 100.2 млрд сўмлик, 2012 йилда 103.4 млрд сўмлик, 2013 йилга келиб эса 101.8 млрд сўмлик савдо хизмати кўрсатилди.

2.1.2.-жадвал**Балиқчи туманидаги савдо хизмат турларининг малбағлар айланмаси
(млрд сўм)**

№	Савдо хизмати турлари	2011 йил	2012 йил	2013 йил	Фарқи (2011 йилга нисбатан)
1.	Озиқ овқат моллари	26.3	26.4	43.3	17
2.	Ноозиқ-овқат моллари	63.7	73.7	58.5	-5.2
	Жами:	90	103	101.8	11.3

Балиқчи туманида савдо хизмати жуда яхши йўлга қўйилган бўлиб, унда асосан қуйидаги моллар савдо қилинади:

- Озиқ-овқат моллари;
- Ноозиқ-овқат моллари.


Савдо хизматини ташкил этиш уни йўлаг қўйиш бўйича туман Савдо-саноат палатаси муҳим рол ўйнайди. Чунки уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қилибгина қолмасдан, тармоқ соҳасини кенгайтиришга маслаҳатлар, амалий ёки моддий кўмак беради.

Жадвални таҳлили қиладиган бўлсак, озиқ-овқат моллари 2011 йилда 26.3 млрд. сўмни, 2013 йилга келиб эса, 43.3 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, фарқи

17 млрд. сўм профит билан яқунланган. Нооziқ-овқат моллари 63.7 млрд. сўмни, 2013 йилда 58.5 млрд. сўмни ташкил этиб фарқи эса, 5.2 млрд. сўмни ташкил қилган. Бундан кўриниб турибдики, нооziқ-овқат моллари савдоси пасайганини англатади.

Ҳисобот даврида ижтимоий соҳа тизимини ривожлантиришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди.


Туманда 2011 йил, 2012 йил, 2013 йилларда 56 та умумий ўрта таълим муассасалари, 28 та мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқдалар.



2.1.2-расм. Балиқчи туманида таълим олаётган ўқувчилар сони.

Андижон вилояти Балиқчи туманида 56 та умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларга таълим-тарбия бериб келмоқда. 2988 нафар устозлар ўқувчиларга ҳам таълим ҳам тарбия бermoқдалар. Уларнинг келажакда етук кадр бўлиб етишишида бор куч-ғайратларини сафарбар этмодалар.

2.1.1-расмни таҳлил қиладиган бўлсак, диаграммада акс этиб турганидек, йилдан йилга ўқувчилар сони кўпайиб бermoқда. 2011 йилда ўқувчилар сони 23256 нафар бўлса, 2013 йилга келиб бу кўрсаткич 24591 нафарга етди.




2.1.3-расм. Балиқчи туманида касб-ҳунар коллежлари битирувчилар сони

Балиқчи туманида 8 та касб-ҳунар коллежи ўқувчи ёшларга таълим бериб келмоқда. Ушбу касб-ҳунар коллежлари замонавий жиҳозланган лаборатория анжомлари билан дарс жараёнлари олиб боришмоқда. Тумандаги барча касб-ҳунар коллежлари 636 нафар ўқитучи ва техник ходимлар ўқувчи-ёшларга таълим бermoқда.

2.1.2-расмда Балиқчи ткманида мавжуд касб ханур коллежларида 2012 йилда энг кўп битирувчилар ўқиб, битирганлиги маълум бўлди. 2013 йилда эса 3098нафар битирувчилар ўқишни тамомлаш арафасидалар.

Шунингдек, туманда 1 та мусиқа мактаби мавжуд бўлиб, 2011 йилда 143 нафар, 2012 йилда 166 нафар, 2013 йилда 216 нафар ўқувчилар таълим олган.




2.1.4-расм. Балиқчи туманида ўртача ойлик иш ҳақи (минг сўмда)

Ҳар бир вилоятнинг, ҳар бир туманнинг ўртача ойлик иш ҳақи таҳлил қилиб борилади. Бунда ҳар бир вилоят ёки туманнинг ўртача ойлик иш ҳақи бир-бириникидан фар қилиш мумкин. Бунинг сабаби вилоят ёки туманинг иқтисодий аҳволи саноати, ишлаб чиқариши, хизмат ва савдо соҳаларидаги маблағлар айланиши, аҳоли даромадаларининг барча параметрлари ҳисобга олибниб ҳисоблаб чиқилади.

Туман аҳолисининг пуллик даромадлари 2011 йилда 332.1 млрд сўм, 2012 йилда 352.1 млрд. сўм, 2013 йилда эса 2280.1 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Бундан натижа йилда-йилга аҳоли даромадлари сони ортиб бормоқда, уларнинг турмуш фаровонлиги янада яхшиланиб бормоқдалигидан далолат бермоқда.


2013 йилда туман аҳолиси жон бошига ҳисобланган даромадлар 1972,7 минг сўмни, харажатлар эса 1921,8 минг сўмга тўғри келди.



2.1.5-расм. Балиқчи туманининг меҳнатга яроқли аҳоли сони (1 январ ҳолатига кўра)

Балиқчи туман бандликка кўмаклашиш маркази томонидан меҳнат лаёқатли аҳоли сонини домий назоратини олиб боради. Бунда туман тиббий-меҳнат экспертиза бўлими билан ҳамкорликда фаолият олиб боарадилар.


2.1.5расдаги диаграммани таҳлил қиладиган бўлсак, 2012 йилда 103186 та меҳнатга лаёқатли аҳоли бўлса, 2014 йил 1 январ ҳолатига кўра эса 10298 та меҳнат лаёқатли аҳоли мавжудлигини расмда акс этиб турибди.




2.1.6-расм. Балиқчи туманида яратилган янги иш ўринлар сони.

Ҳар бир виолят йил бошида қабул қилинган Давлат дастуридан келиб чиқиб вилоятининг иқтисодий –ижтимоий ҳолатини ҳисобга олиб Виолят Даслат Дастурини ишлаб чиқади, бундан келиб чиқиб туманлар ҳам ўзларининг иқтисодий-ижтимоий Дастурларни ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этадилар. Балиқчи тумани ҳам ўзининг Туман иқтисодий-ижтимоий Дастурини йил бошида ишлаб чиқиб, аҳоли бандлигини таъминлаш бандида янги иш жойларини яратишни ўз олдига мақсад қилиб олган. Бунда асосан кичик бизнес ва хусусий тадбикорлар томонидан янги иш жойлари яратиш кўзда тутилган.


2.1.6-расмни таҳлил қиладиган бўлсак, йилда йилга иш ўрни соно ўрни ошиб бормоқда эканлигини кўришимиз мумкин. Бунинг натижасида аҳолини турмуш даражаси ҳам юқори даражага қараб кўтарилаётганини гувоҳи бўлишимиз мумкин.



2.1.7-расм. Хизматларнинг аҳоли жон бошига тўғри келиши (минг сўм)



2.1.8- расм. *Хизматларнинг аҳоли жон бошига тўғри келиши (минг сўм)*



2.1.9- расм. *Хизматларнинг аҳоли жон бошига тўғри келиши (минг сўм)*

Юқоридаги ҳар учула жадвалда Балиқчи туманидаги хизматларнинг аҳоли жон бошига тўғри келиши таҳлил қилнган. Бунда энг юқори кўрсаткичда даромадлар ҳамда энг паст кўрсаткичда маиший хизмат кўрсатиш шкаласи яққол далил сифатида акс эттиб турибди.

2.1.3-жадвал

Балиқчи туманида аҳолининг таъминланиш даражаси

Хизматлар номи	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Табиий газ билан	70%	74%	84,2%
Ичимлик суви таъминоти	70,2%	91,8%	91,8%
1 кишига тўғри келадиган уй-жойлар (кв.м)	9,8	9,3	8,9
Ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган касалхоналар ўринлари	32,8	31,5	28,2
Ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган амбулатория-полткника муассасалари	118,5	118	116

Ҳар бир туманда аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида маълим бир соҳоларни ривожлантириш, такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шу жумладан Андижон вилояти Балиқчи туманида борада кўплаб, самарали ишлар олиб борилмоқда, қуйидаги жадвалда фикримизни асослайдиган рақамлар тақдим этилган.

2.1.4-жадвал

Балиқчи туман аҳолисининг телефон алоқаси билан таъминланганлик даражаси

Телефон алоқаси	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Телефон станциялари	2	2	2
Мавжуд қуввати (телефон номерлар)	2604	2604	2604
<i>Улардан:</i>			
Жами ўрнатилган телефон аппаратлари	2423	2423	2423
<i>Шундан:</i>			
Хонадонларга	2112	2112	2112
УЗМОБАЙЛга уланганлар сони	140	155	245
<i>Шундан:</i>			
Юридик шахслар	17	21	25
Жисмоний шахслар	123	134	220
Интернетга уланганлар жами	255	260	260
Юридик шахслар	55	60	60
Жисмоний шахслар	200	200	200

2.1.5- жадвал

Балиқчи туман аҳолисининг почта хизматидан фойдаланиш кўрсаткичлари

Почта алоқаси	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Почта алоқа боғламалари	1		
Почта алоқа бўлимлар	21		
Почта алоқасида ишлайдиган ишчи ва ходимлар сони	65		

Юқоридаги ҳар иккала жадвалда ўзгаришлар йўқ ҳисоби. Аҳолининг почта алоқаси бўлимларидан фойдаланиш даражаси яхши деб баҳолаша бўлади.

2.1.6- жадвал

Балиқчи туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси

Ижтимоий хизмат кўрсатиш турлари	2011 йил	2012 йил	2013 йил
Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси			

Пенсия ва нафақа олувчилар сони	15875	16072	17007
Туман аҳолиси салмоғи (%)	28.5	27.6	9.5
Улуғ Ватан уруши ва унга тенглаштирилган ногиронлар сони	37	35	28
Жумладан			
Биринчи гуруҳ ногиронлари	7	5	5
Иккинчи гуруҳ ногиронлари	16	16	16
Учинчи гуруҳлар ногиронлари	10	-	14
Уруш туфайли боқувчисини йўқотганлар сони	4	27	4
Армия хизматидан бўлган ногиронлар сони	48	48	6
Жумладан:			
Биринчи гуруҳ ногиронлари	9	9	-
Иккинчи гуруҳ ногиронлари	27	27	4
Учинчи гуруҳлар ногиронлари	12	12	2
Чернобиль АЭС халокатини бартараф этишда қатнашган ногиронлар	12	18	31
Жумладан:			
Биринчи гуруҳ ногиронлари	-	-	-
Иккинчи гуруҳ ногиронлари	8	14	26
Учинчи гуруҳлар ногиронлари	4	4	5

Ижтимоий ҳимоя ҳақида сўз борар экан, ижтимоий ҳимоя тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин-давлатнинг аҳолига нормал ҳаёт фаолияти учун берадиган шарт-шароитларини таоминлайдиган бевосита мақсадли кафолатлар тизимидир. Бошқача айтганда, ижтимоий ҳимоялаш тизими бозор тизими самарадорлигининг тор тасаввуридан эмас, балки ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий самарадорлнкни таоминлаш масалаларини ҳал қилиш мақсадидан келиб чиқиб ташкил этилиши керак.

Бу борада Андижон вилояти Балиқчи туманида ҳам ижтимоий ҳимоя хизмати яхши даражада йўлга қўйилган. Бу фикрнинг исботи сифатида 2.1.6-жадвалда акс этилган. Жадвални таҳлил қиладиган бўлсак пенсия ва нафақа олувчилар сони йилдан –йилга ошиб бормокда уларга ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси янада юқори даражага кўтарилмокда. Адижон вилояти Балиқчи туманида ижтимоий хизмат билан бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси шуғулланади.

2.2. Балиқчи туманда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили

Енгил саноатда техник тараққиёт даражаси пахтани қайта ишлаш ва тўқимачилик тармоқларида юқоридир. Бундай кўрсаткичга эришиш хорижий фирмалар билан қўшма корхоналарнинг имкониятларини кенг жалб этган ҳолда тўқи мачилик саноатини ислоҳ қилиш орқали эришилди.

Тўқимачилик саноатига хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши ва техник қуролланиш даражасининг ўсиши тармоқнинг экспорт қувватини оширишга имкон берди.

Енгил саноат тармоғининг устивор йўналишларини белгилашда 2010 йилга қадар пахта толасини 50.0%ини республикамизда қайта ишлаш даражасига эришиш мақсад қилиб қўйилган. Бу эса, тармоқ таркибини аста секин тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш томон ўзгартиришга имкон беради. Пахта тозалаш ва тўқимачилик тармоқлари билан бир қаторда меҳнат ва капитал унумдорлиги юқори бўлган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқ кучли хом-ашё ва ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган ипакчилик тармоғи бўлиши мумкин. Тўқимачилик тармоғини хом-ашё ва технологик салоҳиятга эга эканлиги тикув, трикотаж, тери ва оёқ кийим тармоқларининг ривожланишига асос бўлади.

Андижон вилояти Балиқчи туманида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналар сони 2 та бўлиб, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури 4 ҳилдан иборат.



2.2.1-расм. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари

Юқорида таъкидлаганимиздек, жами саноат корхоналар сони 2 та. Жумладан, Андижон вилояти Балиқчи туманида саноат турларидан енгил саноат корхоналари фаолият юритиб, улар асосан ип-газлама ва бошқа турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

Балиқчи тумани саноат соҳасини қуйидаги жадвал орқали таҳлил қиламиз (2.2.2.-жадвал).

2.2.2- жадвал

Балиқчи тумани саноат соҳасининг кўрсаткичлари

№	Саноат маҳсулотлари	2011 йил	2012 йил	2013 йил
1	Калава ип	1000 тонна	1100 тонна	0 тонна
2	Пахта толаси	11365 тонна	12552 тонна	10908 тонна
3	Чигит	19000 тонна	19804 тонна	16313 тонна
4	Пахта момоғи	698 тонна	719 тонна	574 тонна
5	Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қиймати	29845 млн. сўм	32379 млн. сўм	67532.1 млн. сўм

Балиқчи тумани ички ва ташқи бозорда маҳсулотларга рақобатнинг юқори бўлиши фаолият юритаётган корхоналарни реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлашга, замонавий технологияларни жалб қилишда муҳим омил бўлади. тармоқда институционал ўзгаришлар жадаллашади, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кичик корхоналарнинг улуши ортади. тармоқнинг ривожланишига асосан мамлакат минтақаларида, жумладан, кичик ва ўрта шаҳарларда маҳаллий бозорни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, иш ўрнини ташкил этиш ва бандликни ошириш хусусан, аёлларни иш билан таъминлаш кучли омил бўлади. енгил саноат тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайиши саноат таркибида унинг улушини ошишига сабаб бўлади.

Саноат корхоналари билан биргалик хўжалик юритувчи субъектлар ҳам фаолият юритиб келмоқда. Хўжалик юритувчи субъект сифатида кичик корхоналар ва микрофирмалар киритилган. Уларнинг салмоғини қуйидаги жадвал орқали таҳлил қилишимиз мумкин.

2.2.3- жадвал


Андижон вилояти Балиқчи туманида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар сони

Хўжалик юритувчи субъектлар	2011 йил	2012 йил	2013 йил
	Фаолият кўрсатаётгани	Фаолият кўрсатаётгани	Фаолият кўрсатаётгани
Кичик корхоналар	465 та	598 та	93 та
Микрофирмалар	2389 та	2428 та	1152 та
Жами:	2854 та	3139 та	1245 та

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фалоияти жамиятга жуда тез мослашувчанлиги билан ажралиб туради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги улушу ҳам юқори даражада кўратилаётгани, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳам сифатлилиги билан, харидробоблиги билан ажралиб туради.


Ҳозирги кунда ҳукуматимиз томонидан қишлоқ жойларидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланса, улар солиқ имтоёзларини тақдим этилганлиги, билан қишлоқ аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Андижон вилояти Балиқчи туманида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларни импорти ҳамда экспорти билан ташқи иқтисодий алоқалар бўлими шуғулланади.




2.2.2-расм. Балиқчи туманинг ташқи савдо айланмаси

Туманда ташқи савдо айланмаси 2011 йилга нисбаиан оладиган бўлсак, 21.6 млн. АҚШ долларига кўтарилгани диаграммада акс этган. Бундан хулоса қилиб, ташқи савдо айланмаси йилдан-йилга ошиб бораётганини англашимиз мумкин.



2.2.3- расм. Балиқчи туманинг импорт салоҳияти(млн. АҚШ долл.)

Балиқчи туманинг импорт салоҳияти йилдан йилга камайиб бормоқда. Сабаби маҳаллийлаштириш дастурини таъминлаш амалиётга татбиқ этиш мақсадида Балиқчи туманида кўплаб самарил ишлар олиб борлимоқда. Бунда асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрини ва роли катта ҳисобланиб, улар томонидан маҳаллий хизматар, маҳсулотлар аҳолига тақдим этилиб, импорт салоҳиятини камайитиришга эришилмоқда.



2.2.4- расм. Балиқчи туманида фаолият олиб бораётган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизмат ҳажми (МЛН. АҚШ.долл.)

Балиқчи туманининг саноатини ривожлантириш учун хорижий давлатлар сармояларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмоқда. Сабаби хорижий сармоядорлар томонидан олиб кирилётган техника ва технологиялар тумanning куйидаг ижобий ривожланишида катта ёрдам бермоқда:

- ✓ Янги иш ўринларининг ташкил қилиниши;
- ✓ Янги турдаги маҳдусотлар ишлаб чиқарилиши;
- ✓ Хизматлар соҳасига янгиликларни олиб кирилиши;
- ✓ Маҳаллийлаштириш дастурининг юқорида даражада бажарилиши;
- ✓ Банк мижозларининг ортиши;
- ✓ Сармоя олиб кирилган соҳанинг ривожланиши.

III боб. Молия саноат гуруҳларини ташкил этишни такомиллаштириш

3.1. Молия-саноат гуруҳларни ташкил этишда хорижий инвестицияларнинг ўрни ва аҳамияти

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида молия-саноат гуруҳларига хорижий сармояларни жалб қилиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хизмат кўрсатишни яхшилаш, жаҳон андозаларига мос келадиган сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш шу кун талабларидан келиб чиқади. Молия-саноат гуруҳларига хорижий инвестицияни жалб қилиш орқали хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни очиш бугунги кунда ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъмин этишда муҳим ўрин тутувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил қилиш, уларнинг фаолиятини шакллантириш ва Ўзбекистон иқтисодиётини, жумладан вилоятлар иқтисодиётини юксалтиришда уларнинг роли ва аҳамиятини ошириш жуда ҳам муҳим вазифалардан биридир. Бу жараён маҳсулот ва хизматлар экспортини ҳар томонлама ривожлантириш ишларини жонлантиради ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъмин этади. Шунинг ҳисобга олиб, республика

Президенти И. Каримов экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта захираларини тежаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш зарурлиги ҳақида бир неча бор таъкидлаб келмоқда.

Шуни қайд қилиш лозимки, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъмин этиш мақсадида у ёки бу ҳудудга сармоя киритиш ва шу орқали хўжалик фаолиятининг фаоллашувига ижобий таъсир кўрсатиш, пировард натижада умумиқтисодий ўсишни таъминлайди. Ҳозирги кунда фақат инвестиция ҳажмини ошириш орқалигина, юзага келган иқтисодий бухронни енгиш, технологик ўсишни таъминлаш, макро ва микро даражада хўжалик фаолиятининг сифат ва ҳажм кўрсаткичларини ошириш мумкин. Бу эса инвестицион жараёнларни янада ривожлантириш асосида содир бўлиши ва бунинг учун у билан боғлиқ масалаларга кўпроқ эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Инвестиция тушунчаси латинча-сармоя киритиш сўзидан олинган бўлиб, жамиятни реал маблағларини ошириш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган барча умумиқтисодий ресурслар тушунилади. Бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланишида инвестиция киритишнинг асосий вазифаси хўжалик юритувчи субъектларнинг ва жисмоний шахсларнинг тўпланган ҳамда вақтинча бўш турган маблағларини иқтисодиётни турли соҳаларини ривожлантириш учун мақсадли йўналтириш ҳисобланади.

Жаҳон хўжалигига интеграциялашув жараёнини ривожланишининг ҳозирги босқичида инвестицион фаолликни ошириш ва иқтисодий ўсишни тезлаштириш нафақат ривожланаётган балки ривожланган давлатларда ҳам ўз иқтисодиётига кириб келаётган хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ҳисобига амалга оширилади. Қатор давлатлар ўзларининг иқтисодий ўсиш стратегияларида ўз олдиларига иқтисодиётни эркинлаштириш ва жаҳон хўжалигига интеграциялашув каби тамойилларни мақсад қилиб қўйишди. Масалан хорижий инвестициялар мамлакат иқтисодиёти ривожланишига қандай таъсир кўрсатишини Польша Республикаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳукумат биринчи навбатда савдони эркинлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиётда хусусий сектор ўрнини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва ички бозорни кенгайтиришга алоҳида эътибор берди. Ҳозирги кунда Польша Республикаси Марказий Европада энг кўп хорижий инвестиция қабул қилувчи давлатлардан бири ҳисобланади.

Молия-саноат гуруҳларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали Бразилия ҳам, Осиёнинг янги индустрiuал давлатлари сингари биринчи навбатда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор берди. Шу сабабли катта салоҳиятга эга бўлган Жанубий Америка давлатларидан Бразилия давлати ҳам ўз иқтисодиётини ривожланаётган аксар давлатларда бўлгани каби асосан қарз ва кредитлар ҳисобига эмас, балки бевосита хорижий инвестициялар ҳисобига ривожлантиришга эришди. Ушбу давлатлар тажрибаларидан ҳам кўриниб турибдики, кўпгина давлатларнинг иқтисодий имкониятларини ошириш

ва ривожлантиришда хорижий инвестицияларга бўлган муносабатда умумий жиҳатларни кўриш мумкин. Ва энг асосийси қайсидир мамлакат ҳудудига жалб қилинган хорижий инвестиция ушбу давлатнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгандан кейин мамлакат бўйича, хусусан ҳудудлар бўйича ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, экспорт салоҳиятини ошириш борасида бир қанча ишларни амалга ошириб, бугунги кунда хорижий сармояларни жалб этиш орқали хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни очиш ва иқтисодиётни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларида меҳнат фаолиятини кооперациялашув ва ихтисослашув асосида ташкил қилмоқда.

Шу билан биргаликда молия-саноат гуруҳлари билан хорижий ҳамкорлик лойиҳаларини амалга ошириш, улар билан биргаликда иқтисодий алоқаларни ўрнатиш мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланиши дастак вазифасини ўтайди. Ҳозирги кунда молия-саноат гуруҳларига чет эл инвестицияларини жалб этиш масалалари билан шуғулланадиган муассасалар ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

3.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланадиган расмий муассасалар

Расмий муассаса номи	Муассасанинг чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан боғлиқ фаолият доираси
Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти	<i>Қуйидаги жорий жараёнларни мувофиқлаштиради: -инвестиция фаолиятини, биринчи навбатда чет эл инвестициялари билан амалга ошириладиган лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур ҳукумат қарорларини ишлаб чиқиш; -давлат бошқаруви идоралари, вазирликлар ва идоралар ишини ташкил этиши.</i>
Иқтисодиёт вазирлиги	<i>Инвестиция сиёсатини ва дастурларини ишлаб чиқиш</i>
Ташқи Иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	<i>-Мамлакат ва хориж инвесторларининг инвестиция таклифлари тўғрисида маълумотлар банкни шакллантириш; -инвестиция муҳитини ўрганиш; -хорижий инвесторларга ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатиш; -инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мамлакат ва хориж инвесторларига ёрдам кўрсатиш; -чет эл капитали иштирокида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг бажарилишини кузатиш (мониторинг); -корхоналарни ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари тарзида рўйхатга олиш ва хорижий компаниялар ваколатхоналарини аккредитациялаш</i>
Давлат мулкни бошқариш қўмитаси	<i>Давлатга тегишли мулкни хусусийлаштириш ва тасарруф этиш жараёнларида чет эл инвестицияларини тартибга солиш.</i>
Молия вазирлиги	<i>Қарз сиёсати ва ҳукумат кафолатларини бериш.</i>

Адлия вазирлиги	<i>Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш.</i>
Ташқи ишлар вазирлиги	<i>Хорижий инвесторларга ва Ўзбекистонда ишлаётган хорижий фуқароларга визалар бериш.</i>
Ички ишлар вазирлиги	<i>Хорижий инвесторларни ва Ўзбекистонда ишлаётган хорижий фуқароларни турар жойи бўйича рўйхатга олиш.</i>
Давлат солиқ қўмитаси	<i>Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уларнинг божхона билан боғлиқ фаолиятини тартибга солиш.</i>
Марказий банк	<i>Конвертация тартиб-қоидаларини, шунингдек, унинг ўтказилишини, валюта маблағларидан фойдаланишини тартибга солиш, қарз сиёсати.</i>
Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	<i>Ташқи иқтисодий фаолиятга банк хизмати кўрсатиш ва лойиҳани молиялашни амалга ошириш.</i>
«Ўзбекинвест» давлат суғурта компанияси ва «Ўзбекинвест-интернешнл» қўшма корхонаси	<i>Чет эл инвестицияларини инвестиция таваккалчилигидан ва хавф-хатарлардан суғурталаш.</i>
«Ўзбекинвестлойиҳа» миллий инжиниринг компанияси	<i>Дастлабки техник-иқтисодий асосномани ва инвестиция лойиҳалари техник-иқтисодий асосномаларини тайёрлаш.</i>
Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қўғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази	<i>Қимматли қўғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш. Мамлакат ва хорижий эмитентларнинг қимматли қўғозларини сотиб олиш орқали мажмуа инвестицияларини амалга ошириш.</i>

Ушбу расмий муассасалар ва ташкилотларнинг ҳар бири молия-саноат гуруҳларига хорижий инвестицияларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этади. Улар бевосита ва билвосита ўзларининг ижобий таъсирларини кўрсатиб турадилар.

Молия-саноат гуруҳларига хорижий инвестицияларни жалб этишда асосан қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

1) иқтисодий омиллар:

-ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва иқтисодий ўсиш суръатларининг бир маромда ушлаб турилиши;

-жаҳон ва алоҳида мамлакатлар иқтисодиётидаги чуқур таркибий силжишларнинг амалга оширилиши (айниқса, фан-техника тараққиёти ютуқлари ва жаҳон хизматлар бозори тараққиёти таъсири остида олиб борилиши);

-ишлаб чиқаришни халқаро ихтисослашуви ва кооперациялашувининг чуқурлашуви;

-жаҳон иқтисодиёти трансмиллийлаштирилишининг ўсиб бориши (масалан, АҚШ трансмиллий корпорация (ТМК)лари хорижий филиалларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми АҚШ товар экспортидан 4 маротаба ортиқдир);

-ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви ва интеграция жараёнларининг чуқурлашиб бориши;

-халқаро иқтисодий муносабатларнинг фаол ривожланиши ва бошқалар.

2) сиёсий омиллар:

-капитал экспорти (импорти)ни эркинлаштириш (эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИХ), оффшор ҳудудлари ва бошқалар);

-ривожланаётган мамлакатларда индустриллаштириш сиёсатини олиб бориш;

-иқтисодий ислохотларни олиб бориш (давлат корхоналарини хусусийлаштириш, хусусий секторни ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш);

-бандлик даражасини ушлаб туриш сиёсатини олиб бориш ва бошқалар.

Юқоридаги омиллар хорижий инвестицияни молия-саноат гуруҳларига жалб этишда ҳар иккала мамлакат учун ҳам сезиларли таъсир кўрстади.

3.1.2-жадвал

**Молия-саноат гуруҳларига инвестицион лойиҳаларни
молиялаштириш манбалари ва иштирокчилари таснифи**

Гуруҳлар	Кичик гуруҳлар	Инвестиция фаолияти иштирокчилари ташкилий шакллари
Бюджет ва нобюджет фондлар	Давлат бюджети	Ҳукумат Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги
	Маҳаллий бюджетлар	Маҳаллий ваколатли органлар
	Нобюджет фондлар	Пенсия фонди Бандлик фонди Инвестиция фонди ва бошқа фондлар
Кредит тизими	Банклар Кредит муассасалари	Марказий банк Давлат ғазначилиги Инвестицион банклар Кредит уюшмалари
Суғурта тизими	Суғурта фондлари ва ташкилотлари	Давлат суғурта компаниялари Нодавлат суғурта компаниялари
Молиялаш- тиришнинг жамоавий шакллари	Инвестицион ташкилотлар Инвестицион банклар Суғурта ташкилотлари	Инвестиция компаниялари ва фондлари Нодавлат пенсия фондлари Суғурта компаниялари Пайли инвестицион фондлар
Хорижий инвесторлар	Чет эл давлатлари, ҳукуматлари, халқаро молиявий институтлар, тижорат банклари, институционал инвесторлар, инвестицион банклар	Жаҳон банки Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молиявий корпорация
Корхоналар, жисмоний шахслар		Мулкчиликнинг турли шаклларидаги ҳар қандай корхоналар

Молия-саноат гуруҳларига жалб этиладиган инвестицияларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Молиявий инвестиция;
2. Моддий инвестиция;
3. Ақлий инвестиция.

Молия саноат гуруҳларига жалб этиладиган **молиявий инвестициялар** таркибига маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг пул бирликлари, банклардаги омонатлар, депозит сертификатлар, акциялар, облигациялар, вексельлар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда тенглаштирилган бойликлар киради.

Моддий инвестициялар таркибига асосий фондлар, яъни бинолар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, коммуникациялар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пассив қисмлари киради.


Ақлий (интеллектуал) инвестициялар миқдори жуда ранг-барангдир, яъни улар мулкӣ ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар, ақлий меҳнатга оид шаклдаги инвестициялар ва табиӣ ресурслардан фойдаланиш шаклидаги инвестициялардан иборат. Мулкӣ ҳуқуқлар гуруҳига кирадиган инвестицияларнинг турлари бозор муносабатларининг нечоғлик ривожланганлигига, миллий бозорларнинг ўзига хос томонларига қараб ҳар хил бўлади. Ақлий меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар таркибига муаллифлик ҳуқуқлари, “ноу-хау”, кашфиётлар, товар белгиларига бериладиган лицензиялар ва бошқа хил эғалик ҳуқуқлари киради.

Молия-саноат гуруҳларига жал этилган инвестициялар таркибига кўра қуйидагиларга бўлинади:

1. **Ялпи инвестициялар;**
2. **Соф инвестициялар.**

Ялпи инвестициялар - бу ишлаб чиқариш воситаларининг истеъмол қилинган қисмини қоплаш ҳамда уларни кўшимча ўсиши мақсадида ишлаб чиқариш жамғармалари ва аҳоли маблағлари қўйилмаларидир. Бошқача сўз билан айтганда, ялпи инвестициялар ўз ичига амортизация ва соф инвестицияларни олади.

Соф инвестицияларни аниқлаш учун ялпи инвестициялардан амортизация ажратмалари чиқариб ташланади. Ялпи инвестициялар ва амортизация ўртасидаги нисбатга қараб иқтисодиётнинг аҳволи қандай эканлигини, яъни юксалиш, ё турғунлик ёки пасайиш даврини бошидан кечираётганлигини аниқлаш мумкин. Агарда, ялпи инвестициялар амортизациядан ортиқ, яъни соф инвестиция юқори бўлса, иқтисодиёт юксалишда бўлади, чунки унинг ишлаб чиқариш қувватлари ўсади. Ялпи инвестиция ва амортизация бир-бирига тенг бўлган чоғда иқтисодиётда турғунлик ҳолати вужудга келиши мумкин. Бу вазиятда соф инвестициялар нолга тенг бўлиб, иқтисодиётда шу йили қанча капитал истеъмол қилинган бўлса, уни қоплаш учун шунча капитал қўйилмалар керак бўлади.



3.1.1-чизма. Молия-саноат гуруҳлари жалб этилган хорижий инвестицияларнинг таснифланиши

Молия-саноат гуруҳларини ташкил этишда Инвестиция шартномалари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу инвестиция шартномаларида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- инвестициялар объекти ва ҳажми;

- инвестиция шартномасининг амал қилиш муддати ва шартлари;

- инвесторнинг, шу жумладан инвестициялаш ҳажми, ишлаб чиқаришнинг муайян ҳажмини таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва сифатининг кафолатланган даражаси, ўзи ишлаб чиқарган товарлар экспорти ва кўрсатадиган хизматлари ҳажми, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида жалб этиладиган кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига, меҳнат қонунчилигига ва техника хавфсизлигига риоя қилиш, ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа соҳалари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг, шу жумладан қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари бериш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

- лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, пудрат ишларига шартномалар тузиш муддатлари, молиялаштириш манбалари, лойиҳани амалга ошириш жадваллари, инвестиция лойиҳасининг амалга оширилишини техник назорат қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар;

- чет эллик инвестор томонидан унинг мажбуриятлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

- томонларнинг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилмаганлиги учун жавобгарлиги;

- ўзгартиришлар киритиш тартиби;

- инвестиция шартномасининг амал қилишини тўхтатиш тартиби;

- инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш тартиби ва кўриб чиқиш жойи.

Инвестиция шартномасида инвестиция лойиҳаси хусусиятига қараб бошқа шартлар, шу жумладан:

- томонларнинг минтақанинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ўзаро мажбуриятлари;

- инвесторнинг шартномани бажариш натижасида ўзига тегишли маҳсулотни ва олинган фойдани (даромадларни) Ўзбекистон Республикасидан четга чиқариш ҳуқуқи;

- чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси жисмоний шахслари бўлган ходимларни ёллаш ва ўқитиш бўйича мажбуриятлари, технологиялардан фойдаланиш шартлари, шунингдек инвесторнинг инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугаллангандан кейин ташкил этилган ташкилотнинг ходимларини ўқитиш бўйича мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

Молия-саноат гуруҳларни ташкил этишда хорижий инвестицияни киритаётган чет эллик инвестор инвестиция шартномасини тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига қуйидагиларни тақдим этади:

- инвестиция шартномасининг лойиҳаси;

-қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ваколатли органларда экспертизадан ўтказилган техник-иқтисодий асослаш (техник-иқтисодий ҳисоблаш) негизда бажарилган асосий иқтисодий кўрсаткичлар;

-инвестиция шартномаси лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси юзасидан - Адлия вазирлигининг хулосаси;

-чет эллик инвесторларга ва (ёки) ташкил этиладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонага қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча равишда солиқ солиш бўйича имтиёзлар ва преференциялар бериш юзасидан - Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси хулосалари.

Зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги чет эллик инвестордан инвестиция шартномаси лойиҳасини баҳолаш билан боғлиқ бўлган қўшимча материалларни сўраб олиши мумкин. Чет эллик инвестор томонидан тақдим этилган инвестиция шартномаси лойиҳаси ва бошқа материаллар инвестиция шартномаси лойиҳаси олинган кундан бошлаб ўн тўрт иш куни мобайнида ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилади. Зарурат бўлган тақдирда, инвестиция шартномаси қоидаларини келишиб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда чет эллик инвестор (инвесторлар) ўртасида музокаралар ўтказилади. Чет эллик инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан имзоланган инвестиция шартномаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига уни тасдиқлаш тўғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилиш учун киритилади. Агар инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослаши (техник-иқтисодий ҳисоби) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши керак бўлса инвестиция шартномасини тасдиқлаш тўғрисидаги тегишли банд инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослаши (техник-иқтисодий ҳисоби)ни тасдиқлаш ҳақидаги Ҳукумат қарори лойиҳасига киритилиши мумкин. Агар инвестиция шартномасида солиқ ҳамда божхона имтиёзлари ва преференциялари бериш назарда тутилса бундай шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади. Чет эллик инвестор билан инвестиция шартномаси агар ушбу қарорда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, уни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кучга киради. Чет эллик инвестор инвестиция шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига (ТИАИСВ) қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

Молия-саноат гуруҳларини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти бениҳоят катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрадаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, қуйидагича хулоса чиқариш мумки, молия-саноат гуруҳларини ташкил этишда инвестициялар таркибига маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг пул бирликлари, банклардаги омонатлар, депозит сертификатлар, акциялар, облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда тенглаштирилган бойликлар киради.

3.2. Молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш хорижий мамлакатлар моделларидан фойдаланишнинг аҳамияти

Маълум бўлишича, жаҳон иқтисодиётида молия-саноат гуруҳлари ривожланишининг қуйидаги моделлари кенг тарқалган, яъни:

- англо-америка,
- германия,
- лотин ва япон.

Англо-америка модели Буюк Британия, АҚШ, Австралия ва Канада мамлакатларида амал қилади. Ушбу мамлакатларда саноатлаштиришнинг негизи бўлиб тадбиркорлик асосида капитал тўплаш механизми ҳисобланади.

Капитал институционал акциядорларнинг (банклар, суғурта компаниялари ва пенсия фондлари) маблағлари ҳисобидан шаклланиб алоҳида ва мустақил акциядорлар механизми орқали фаолият юритади.

Германия модели Германия ва Австрияда амал қилиб, йирик ҳамда ўртача корпорацияларнинг молиявий асосини банк тизими ташкил қилади, бунда алоҳида акциядорларнинг роли унчалик аҳамиятли эмас. Германия моделининг банк механизми корпоратив муносабатлар тузилмасида молия ва саноат тармоқлари ўртасидаги узоқ муддатли инвестиция муносабатларига йўналтирилган. Ушбу моделда банклар ташқи молиялаш манбаларига эҳтиёж сезаётган компаниялар учун қарз капиталини етказиб берувчи ҳисобланадилар. Германияда йирик банклар кўплаб юқори интеграллашган немис корпорациялари капиталининг катта қисмига эгалик қилади. Жумладан, Германиянинг йирик банкларидан ҳисобланган «Дойче банк» етакчи миллий корхоналарнинг «Даймлер-Бенц» (28,34%), «Филипп Холцман» (30%),

«Карлстадт» (25,08%) акцияларига эгалик қилади. Мазкур банклар фақатгина уларнинг инновацион ривожланишидаги эҳтиёжларини молиялаштириб қолмасдан, балки банкнинг молиявий барқарорлигини ҳам ошириб боради.

Лотин модели эса, Франция, Бельгия ва Италия мамлакатларида амал қилади. Бу моделда якка тартибдаги ва оилавий корпорациялар инвестиция компаниялари ва инвестиция банкларининг холдинглари томонидан бирлаштирилиши натижасида эркин корпоратив тармоқлар шаклида юзага келган. Капиталнинг қарама-қарши муносабатлари иқтисодий алоқаларнинг мураккаб тармоқларини юзага келтирди. Ушбу тармоқларда давлат корхоналарининг роли тобора ошиб бормоқда.

Япон модели эса, инвестицияларни саноатга узоқ муддатга йўналтирилганлиги, молия ва саноат тармоқлари ўртасида яқин алоқаларнинг мавжудлиги билан характерланади. Мазкур моделнинг ўзига хос хусусияти гуруҳлашиш тенденциясидир. Хўжалик бирликлари корпоратив гуруҳларни ташкил этган ҳолда акцияларга қарама-қарши эгалик қилиш механизми орқали бир-бири билан яқин алоқа ўрнатган. Ҳар бир гуруҳнинг капитални тўплаш механизми гуруҳ банки ёрдамида амалга оширилади.

Ҳозирда Япониянинг йирик молия-саноат гуруҳларидан бири молиявий маркази йирик япон банки Мицубиси ЮФЖ Файнэншл Групп бўлган Мицубиси гуруҳи ҳисобланади. Гуруҳнинг таркибига 29 та компания киради, дунёда ўз ўрнига эга бўлган Мицубиси Хеви Индустриз, Мицубиси Моторс Корпорэйшн, Никон Корпорэйшн, Кири Бреверй Ко., кабилар мавжуд. Мицуи Сумитомо гуруҳида, Сумитомо Мицуи Банкинг Корпорэйшн унинг асосини ташкил этади, жумладан, унинг таркибига Сумитомо Хеви Индустриз, Сумитомо НЕК Корпорэйшн, Сумитомо Мицуи Констракшн Ко. каби компаниялар киради.

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, молия-саноат гуруҳларини шакллантириш қуйидаги йўллар орқали амалга оширилади:

- гуруҳ қатнашчилари томонидан мамлакат қонунчилигида назарда тутилган тартибда очиқ ёки ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятини, холдингни таъсис этиш;
- ташкил этилаётган молия-саноат гуруҳи иштирокчилари ўзларининг акциялар пакетларини гуруҳ иштирокчиларидан бири ҳисобланган банк ёки молия-кредит институтига ихтиёрий равишда ваколатли бошқаришга бериши;
- гуруҳ қатнашчиларидан бири томонидан бошқа корхоналар, жумладан, гуруҳ қатнашчиси бўлаётган муассаса ва ташкилотлар акциялари пакетларининг эгалланиши.

Халқаро амалиётда бир қатор мамлакатларда тижорат банклари иштирокидаги молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш амалиёти кенг тарқалган бўлиб, улар самарали фаолият кўрсатмоқда. Одатда, тижорат банклари иштирокидаги молия-саноат гуруҳлари аъзолари ўртасида молиявий ресурсларнинг самарали қайта тақсимланиши ва фаолият юритиш механизми қулайлиги туфайли кенг тарқалгандир. Мамлакатимизда ҳам тижорат банклари ташаббускорлиги ва фаол иштирокида молия-саноат гуруҳларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ривожланган мамлакатларда банклар молия-саноат тузилмаларининг марказий органи ҳисобланади. Банк маълум корхоналар доирасида фаолият юритиши билан биргаликда уларнинг фондлари ҳаракати тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлади. Бирор муаммо юзага келадиган бўлса, у зарур бўлган чораларни қабул қилади. Чунки, ишлаб чиқариш жараёнининг натижаси унинг шахсий иқтисодий манфаатларига бевосита таъсир кўрсатади.

Молия- саноат гуруҳи иштирокчиси бўлган корхонанинг молиявий ҳолати ёмонлашганда банк молиявий соғломлаштиришда фаол қатнашади, маълум бир пул оқимларини ва тузилмавий ўзгартиришларни ўтказишда банкдан барқарор молиявий ҳолат талаб этилади.

Халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасида молия-саноат гуруҳлари фаолиятини ташкил қилишда қуйидаги моделлардан фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаймиз:

— япон модели;

— германия модели.

Ушбу икки моделнинг ўзига хос хусусияти шундаки, молия-саноат гуруҳлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини асосан банклар бажаради. Ўзбекистонда саноат ва молия капиталининг интеграциялашувини кенгайтириш шакли сифатида банк бошчилигидаги молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Банк молия-саноат гуруҳлари таркибига қуйидаги корхона ва ташкилотларни жалб этиш мақсадга мувофиқ:

— банк акциядори ҳисобланган корхона ва ташкилотлар;

— акциялар пакетининг аксарият қисми банкда бўлган корхона ва ташкилотлар;

— ўз молиявий ҳолатини барқарорлаштириш учун инвестиция қўйилмаларига муҳтож корхона ва ташкилотлар.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, тижорат банкларининг инвестицион жараёнларда фаол қатнашиши иқтисодиётни модернизация қилишда ва мамлакат саноат салоҳияти мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда иқтисодиётни модернизациялашнинг ҳозирги босқичидаги долзарб масалалардан бири, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш, яъни уларни йирик инвестиция институтларига айлантиришдир.

Тижорат банкларининг йирик инвестиция институтларига айланиши молия-саноат гуруҳларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Молия капитали билан саноат капиталининг ўзаро бирлашиши инвестиция жараёнлари фаоллашишига, шунингдек, иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдамлашади. Шу билан биргаликда, хорижий мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда молия ва саноат капиталининг бирлашиши, яъни молия-саноат гуруҳларини шакллантириш орқали қуйидаги афзалликларга эришиш мумкинлигини қайд этиш лозим:

— молия-саноат гуруҳлари банк ва саноат капитали интеграциясини кучайтиради, бу эса, ўз навбатида, инвестицион муҳит яхшиланишига замин яратади;

— фаолиятнинг диверсификацияланганлиги гуруҳга аъзо корхоналар барқарорлиги ҳамда маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширади;

- молия-саноат гуруҳлари технологик ва кооперацион алоқадор корхоналарнинг бирлашиши учун қулай шароит яратади ва бунинг натижасида ишлаб чиқариш барқарорлашади;
- молия-саноат гуруҳлари иқтисодиётнинг устувор йўналишларига тармоқлараро ва тармоқлар ичида ресурсларни қайта тақсимлаш механизми ривожланишига ёрдам беради;
- молия ва саноат капитали бирлашиши натижасида молиявий ресурслар айланиши тезлашади ва бунинг натижасида корхоналарнинг молиявий барқарорлиги таъминланади;
- миллий корхоналарнинг жаҳон бозорларига чиқиш имконияти вужудга келади ва бу жараён натижасида уларнинг ушбу бозорларда рақобатлашувининг ошиши кузатилади ва бошқалар.

Фикримизча, Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва фаолият юритишини таъминлаш учун қуйидаги зарурий шароитларни яратиш лозим:

1. Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш учун, молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжати сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Молия-саноат гуруҳлари тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш лозим.
2. Молия-саноат гуруҳларини ривожлантириш концепциясида молиявий барқарор ва республиканинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари, мақсадларига жавоб берувчи, ички ва ташқи бозорлардарақобатбардош мураккаб фан сиғимкорлиги юқори маҳсулот ишлаб чиқарувчи технологик ва кооперацион алоқадор саноат корхоналари асосида молия-саноат гуруҳларини ташкил этишни назарда тутиш зарур.
3. Молия-саноат гуруҳи таркибига кирувчи тижорат банклари ва корхоналар ўртасидаги ўзаро акциядорлик муносабатларини ривожлантиришга қулай шарт-шароит яратиш лозим.
4. Тижорат банкларининг инвестиция муносабатларидаги иштирокини янада фаоллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш зарур.
5. Йирик молия-саноат гуруҳларини маҳаллий маҳсулотлар бозорларига монопол таъсир қилишига ва айрим хўжалик юритувчи субъектларни молия-саноат гуруҳига киришини чеклашга йўл қўймаслик учун амалдаги қонунчиликдан келиб чиқиб, антимонопол чекловларни ҳисобга олган ҳолда молия-саноат гуруҳларини ташкил этишни амалга ошириш лозим.

ХУЛОСА

Битирув малакавий ишини тадқиқ қилиш жараёнида қуйидаги **илмий хулосалар** шакллантирилди:

1. Молия-саноат гуруҳлари тушунчасига мустақил, такомиллашган муаллифлик таърифи берилди. Молия-саноат гуруҳлари деганда, ишлаб чиқариш, хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида марказлашган бошқарувга эга бўлган ва ўзларининг ресурсларини бирлаштирган ишлаб чиқариш, савдо корхоналари ва молия-кредит институтларини ўз ичига олган мустақил юридик шахсларнинг интеграцияси шакли тушунилади.

2. Молия-саноат гуруҳларининг шакллантирилиши ва фаолият юритиш орқали, биринчидан, банк капиталини саноатга йўналтириш муаммоси ҳал этилади, иккинчидан, банк тизимига бўлган ишонч ортади ва унинг тузилмаси такомиллашади, учинчидан, молия-саноат гуруҳлари ўртасида янги йирик ташкилотларни жалб этиш учун, банклар ўртасида эса гуруҳнинг энг фойдали иштирокчиларига хизмат кўрсатиш бўйича рақобатлашув жараёни кучаяди.

3. Мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришда асосан йирик банклар атрофида муҳим саноат корхоналарини бирлаштириш мақсадга мувофиқ.

4. Молия-саноат гуруҳлари банк ва саноат капитали интеграциясини кучайтиради ва бунинг оқибатида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш имконияти ортади. Молия-кредит ташкилотлари ва саноат корхоналари ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланиши инвестицион инқирозни бартараф қилишга имкон беради. Молия-саноат гуруҳлари мамлакатдаги ва хорижий инвесторлар учун бирмунча ишончли шерик бўлиб ҳисобланади, бу, ўз навбатида, иқтисодиётга хорижий инвестициялар оқимини қўллаб-қувватлайди.

5. Мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш бўйича иқтисодий жиҳатдан қатор шарт-шароитлар мавжуд. Аммо, ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш учун ягона меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги бу борада қатор муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

6. Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасида молия-саноат гуруҳлари фаолиятини ташкил қилишда қуйидаги икки давлатнинг моделидан фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблаймиз:

— япон модели;

— германия модели.

7. Республикамизда «Асака банк», «Ўзсаноатқурилишбанк», ТИФ Миллий банки ва «Агробанк»ларнинг мос равишда автосаноат, саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари билан биргаликда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш имкониятларини юқори деб ҳисоблаш мумкин.

Битирув малакавий ишда мамлакатимизда молия-саноат гуруҳларини шакллантиришга қаратилган қуйидаги **таклиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш учун, молия-саноат гуруҳларини ташкил этишни ва фаолиятини тартибга солувчи

қонунчилик ҳужжати сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Молия-саноат гуруҳлари тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш лозим. Шунингдек, хорижий мамлакатларнинг молия-саноат гуруҳлари тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиш натижасида уларнинг иқтисодиётимизга мос бўлган томонларини умумлаштирган ҳолда, молия-саноат гуруҳлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари сифатида қуйидагиларни мамлакатимизнинг «Молия-саноат гуруҳлари тўғрисида»ги қонуни лойиҳасига киритишни тавсия этамиз:

- молия-саноат гуруҳининг бошқарувчи компаниясига ушбу молия-саноат гуруҳи иштирокчиларининг давлатга вақтинчалик бириктириб қўйилган акция пакетларини ишончли бошқарувга ўтказиш;
- турли хилдаги мақсадли инвестицияларни жалб қилиш учун давлат кафолатлари бериш;
- молия-саноат гуруҳи лойиҳаларини амалга ошириш учун инвестицион кредитлар ажратиш ва бошқа молиявий ёрдамлар кўрсатиш.

2. «Ўзсаноатқурилишбанк», «Агробанк», ТИФ Миллий банки ва «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки ҳамда саноат тармоқларидаги банкларнинг йирик мижозлари билан ушбу тижорат банклари етакчилигида молия-саноат гуруҳини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Чунки, мазкур банклар иқтисодиётнинг реал секторидаги етакчи корхоналар билан узвий молиявий ҳамкорлик қилишади ҳамда маълум бир соҳадаги саноат корхоналарига молиявий хизматлар кўрсатиб, уларга йирик ҳажмдаги инвестицияларни жойлаштирмоқдалар, шунингдек, уларнинг капиталлашув даражаси ҳам бошқа тижорат банкларига нисбатан юқоридир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Меъёрий ҳужжатлар

- 1.1. Молия-саноат гуруҳлари тўғрисидаги низом. Тошкент ш., 1995 йил 12 сентябрь, 354-сон
- 1.2. Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида” ги Ўзбекистон республикасининг қарори. Тошкент ш., 1995 йил 4 декабрь, 448-сон
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. Тошкент, Ўзбекистон-2012

2. Президент асарлари

- 2.1. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. Т. Ўзбекистон, 1995.
- 2.2. И.А.Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари” Тошкент «Ўзбекистон» 1998 йил
- 2.3. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги мўҳрузаси. // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабр.
- 2.4. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маҳрузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январ.
- 2.5. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010
- 2.6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
- 2.7. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
- 2.8. Каримов И.А. “2012 йил ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
- 2.9. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида”. –Т.: Ўзбекистон, 2012.

3. Илмий адабиётлар мақолалар

- 3.1. Дворецкая А.Е., Никольский Ю.Б. ФПГ: менеджмент + финанск. – М.: Принтлайн, 1995. – С. 384
- 3.2. Стародубровская И. Финансово-промқшленнке группк: иллюзии и реальность // Вопроск экономики. –Москва, 1995.-№ 5. – С.135-146.

- 3.3. Беляева И.Ю., Эскиндаров М.А. Капитал финансово-промышленных корпоративных структур. – М.: Изд. ФА, 1998. – С. 298.
- 3.4. Цветков В. А. ФПГ в системе рычагов стабилизации экономики России: автореф. дис. ... канд. эконом. наук. – М.: 1997. – С. 16.
- 3.5. Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления: автореф. дис...докт. эконом. наук. – Ташкент: БФА, 2008. – С. 27.
- 3.6. Мирзаев Ф.И. Банклараро рақобат: моҳияти, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. – Т.: «Молия», 2008. – Б. 204-205.
- 3.7. Вахабов А.В. Модели развития финансово-промышленных групп в мировой экономике и возможности его использования в Узбекистане // Международной опкт создания финансово-промышленных групп и проблемк совершенствования корпоративного управления в Узбекистане: материалк международной научно- практической конференции. – Москва, МГЭИ, 2008. – С. 15.
- 3.8. Бабаева Н.М. Пути повышения эффективности участия банков в деятельности вксокоинтегрированных корпоративных структур: автореф. дис...канд. эконом. наук. – Ташкент, 2010.– С. 8.
- 3.9. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т.: «Молия», 2010. – Б. 144-145.
- 3.10. Атаниязов Ж.Х. Молия-саноат гуруҳларини шакллантиришнинг иқтисодий-ҳуқуқий асослари // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2010. - №4. – Б. 72-77.

4. Интернет маълумотлари

- 4.1. www.gov.uz
- 4.2. www.stat.uz
- 4.3. www.lex.uz
- 4.4. www.andijan.uz
- 4.5. www.ziyonet.uz